

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Факултет: Иқтисодиёт ва менежмент факультети

Кафедра: Маркетинг

“Ҳимояга тавсия этилди”
кафедраси мудири, и.ф.н.
_____ И.Ҳ.Ибрагимов
“5 ” “июнь” 2017 йил
№13 сонли баённома

5230400- « Маркетинг (туризм) » таълим йўналиши

**МР-313 гуруҳ талабаси Қодиров Фаёз Абдирахмоновичнинг “Қишлоқ
жойларда маиший хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришнинг
маркетинг концепцияси (Жомбой тумани иқтисодиёт ва статистика бўлими
материаллари асосида)” мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Илмий раҳбар: иқтисод фанлари номзоди,
И.Ҳ. Ибрагимов**

Самарқанд - 2017

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Давлатимиз Президенти томонидан эълон қилинган 2017-2021 йилларга мулжалланган мамлакат иқтисодиётининг интенсив ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг **“Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш”** Миллий Дастурида миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш билан бир қаторда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш вазифаси белгилаб ўтилган.

Мазкур соҳани ривожлантириш бўйича олиб борилган ислохотлар доирасида ялпи ички маҳсулот таркибидаги улушини ўтган асрнинг 90-йилларидаги 20% дан бугунги кунда 54 фоизга етказишга олиб келинди. Хизматлар соҳасининг ўзига хослиги шундаки, унинг нафақат иқтисодий аҳамияти, балки унинг аҳоли турмуш сифатининг ўсишида алоҳида ижтимоий аҳамиятга эгаллиги ҳамда мамлакатнинг ривожланганлик даражасини аниқловчи ягона барометрлигидадир.

Инсонларнинг моддий ва маънавий ҳаёти даражасини оширишда, турмуш сифатини такомиллаштиришда хизматлар соҳаси муҳим аҳамиятга эга. Хизматлар соҳаси моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни тежайди, ишчининг бўш вақтини кўпайтиради, унинг меҳнатининг ижодий мазмунини оширади, иш вақтидан ташқаридаги нооқилона харажатларни қисқартиради, инсонлар ҳаётини янада шинам ҳамда ёқимли қилади ва шу орқали Ўзбекистон аҳолисининг барча ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг ҳаётини манфаатларини юзага чиқаради.

Хизматлар соҳаси халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ва соҳаларидан озод бўлган меҳнат ресурсларини абсорбцияси функциясини бажариш ҳамда

ишчи ўринлари ва меҳнат ресурсларини баланслашувига имкон бериш орқали мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов: “Таркибий янгиланишдаги алоҳида эътиборни талаб этадиган муҳим масала, бу – хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012-2016 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиш, бунда мамлакатимиз ЯИМ таркибида бу соҳанинг улуши 54-56 фоизга етказилишини назарда тутиш даркор”¹-деб алоҳида таъкидлаган эди.

Индустриал жамиятда иқтисодиётни ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасига анъанавий бўлиниши, постиндустриал жамиятда учинчи соҳа деб номланувчи соҳа, яъни хизматлар соҳаси билан тўлдирилади. Ушбу хизматлар соҳаси ўз аҳамиятига кўра иқтисодий ривожланган мамлакатларда моддий ишлаб чиқариш соҳалари билан бир қаторда туради.

XX асрнинг 80-йилларида ривожланган мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулотигадаги салмоғи 70 фоизга яқинлашди ва ҳозирги кунда ўсиб бормоқда

Хизматларининг иқтисодий табиати ва уларни тарқалиш соҳаларини тушунишдаги фарқлар сабабли замонавий иқтисодиётда хизматлар соҳасининг ўрни ва аҳамиятини баҳолашда кўпинча турлича фикрга эга бўлишади.

Хизматлар соҳасининг халқ хўжалигининг барча тармоқларига сингиб бориши ва амалиётда кенг миқёсда қўлланилиши натижасида хизмат кўрсатиш ва сервис тушунчаларини ҳам ҳақиқий маъно-мазмунига эга бўлишини тақозо этди. Шу сабабли, тадқиқот жараёнида “Хизмат”, “Хизмат кўрсатиш” ва “Сервис” тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг мазмун моҳиятларига тухталиб ўтмоқчимиз.

¹ Каримов И.А. “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичларга кўтарадиган йил бўлади” Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2012 йил 20январь

Луғатларда “хизмат” ва “сервис” тушунчаларининг луғавий маъноларини очиб беришга ҳаракат қилинган. Жумладан, С.И.Ожегов тузган “Словарь русского языка”да “Хизмат тушунчасига “наф келтирувчи фаолият” ва “кимгадир маиший шароит тақдим этиш”, деган маънода изоҳ берилган”².

Бошқа луғатларда эса, “Хизмат” тушунчасига инсонларга ёрдам кўрсатиш ва яхшилик қилиш нуқтаи назаридан ҳам таърифлар берилганлигини кузатишимиз мумкин. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “Хизмат-иш, лавозим, хизмат кўрсатиш, ёрдам” деб кўрсатилган. Бундан ташқари “хизмат” ибораси бировнинг ишини бажариш, яхшилик қилиш; яхшилик мазмунида ҳам келтирилган³.

В.И.Дальнинг “Толковый словарь великорусского языка” номли луғатида хизмат тушунчаси “Хизмат кўрсатиш, ёрдам, имтиёз, кўмак, кўнглини топмоқ, истагини бажо келтирмоқ” маъноларида талқин қилинган⁴.

Иқтисодчи олимлар томонидан чоп этилган кўплаб иқтисодий адабиётларда эса “хизмат” ва “сервис” тушунчаларининг иқтисодий моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган. АҚШлик иқтисодчи профессорлар Кэмпелл Р.Макконнелл ва Стэнли Л.Брюлар “хизмат – бу сезиб бўлмайдиган (кўзга кўринмайдиган) ва унинг ўрнига қийматга эга бўлган қандайдир нарсани истеъмолчи, фирма ёки ҳукумат томонидан тақдим этилишидир”⁵, деб таъриф беришган. Ф.Котлер “Хизматлар-бир томон иккинчи томонга тақлиф этиши мумкин бўлган ҳар қандай

² Ожегов С.И. Словарь русского языка. Ок. 57000 слов. Под. Ред. д-ра филол. наук, проф. Н.Ю.Швердовой. –12-е изд. – М.: Рус. яз., 1978, стр.771.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-жилд. Т.: «Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. 2008. 483 б.

⁴ Даль В.И. Толковый словарь великорусского языка. 2-е изд. М., 1982. Т.IV.C.512.

⁵ Макконнелл К.Р, Брю С.Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. В 2 Т.: Пер. С англ. Т. – Таллин, 1993, стр.398.

фаолият ёки неъмат, бирон нарсага эгалик қилиш имконини бермайдиган фойдали ҳаракат”⁶, деб таъкидлаган.

Профессор Б.Абдукаримов “Сервис” хизматларнинг мураккаб меҳнат жараёнидан иборат бўлган, юқори малакали ишчиларни талаб қиладиган айрим турларини мужассамлаштирган хизматни илғор туридир”⁷ - деб таъкидлайди.

“Хизмат” ва “Сервис” тушунчаси сингари “Хизмат кўрсатиш” тушунчаси бўйича ҳам баҳсли фикрлар мавжуд бўлиб, бизлар бу тушунчалар бўйича ҳам айрим олимларнинг фикрларини келтириб ўтмоқчимиз. Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан М.М.Муҳаммедов хизмат кўрсатиш соҳасини инсон нуқтаи назаридан қараб, аҳолининг соғлиғига, кайфиятига, меҳнатга муносабатига, ишчи ходимларнинг меҳнат унумдорлигига, ўз ҳаётидан розилик даражаси ва хурсандчилигига, умуман ишлаб чиқариш кучларининг ҳаёти ва тараққиётига бевосита ва сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган соҳа”⁸-деб таърифлайди.

М.Қ.Пардаев ва И.С.Очиловлар “Сервис деганда инсонларнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган маълум сертификат ва андозаларга эга, сифат жиҳатидан юқори бўлган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади”⁹, деб таъриф берганлар. Ушбу таърифда сервис тушунчасига хизматнинг маълум сертификат ва андозаларга эга бўлган, сифат жиҳатидан юқори бўлган тури ва хизмат фаолияти сифатида қаралган. Бундан кўриниб турибдики, иқтисодчи олимлар М.Қ.Пардаев ва И.С.Очиловларнинг юқорида “хизмат” тушунчасига берган таърифи бўйича,

⁶ Котлер Ф. Маркетинг-менеджмент // Экспресс-курс. 2-е изд. / Перевод с англ. Под ред. Божук С.Г. Спб.: Питер. 2005. С-301.

⁷ Абдукаримов Б.А. “Обод турмушни таъминлашда иқтисодиётни ва инновацион фаолиятни такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги республика анъанавий илмий-амалий конференция. Самарқанд 2013 йил. 20 феврал. 140 б.

⁸ Муҳаммедов М.М. “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш - устувор масала” – «SERVIS». Илмий-оммабоп журнал. 2009 йил, 1–сон. 53 б.

⁹ Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография, Т.: “Иқтисод молия”, 2011. 11 б.

хизмат инсонлар билан бирга корхоналарга, жамиятга, давлатга кўрсатилса, “сервис” асосан аҳолига, одамларга кўрсатиладиган сифатли хизмат ҳисобланар экан. Умуман олганда “Сервис” сўзи инглиз тилидаги “Service” сўзидан олинган ва кўп ҳолларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш нуқтаи назардан қараш илмий – назарий ва амалий жиҳатдан қараш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хизматларга кўпинча моддий қимматдорликлар яратмайдиган барча фойдали фаолият турларини киритишади, яъни у ёки бу фаолият турини хизматлар соҳасига киритишнинг асосий мезони бўлиб, ҳис қилиб бўлмаслик, ушбу соҳада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг кўринмайдиган характери ҳисобланади. Амалиётда хизматлар соҳаси кўплаб фаолият турларининг мажмуаси сифатида ва ҳақиқатда уларни қайд этишдан иборат деб қаралади. Бу ҳолат хизматларнинг турли-туманлиги, ҳамда уларнинг товарлар билан бирга хамроҳ бўлиши (ҳисобот, компьютер дастури, кинолента ва х.к.о.) билан боғлиқдир.

Иқтисодиётнинг доимий ва бош масаласи бўлган инсонлар эҳтиёжининг чексизлиги ва ресурсларнинг чегараланганлиги шароитида, инсонларнинг турли хилдаги эҳтиёжларни қондиришда иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган ҳар қандай бозор субъекти аввалом бор ўзининг хизмати орқали инсоннинг эҳтиёжларни қондиради ва уларга бу фаолияти орқали ёрдам кўрсатади, айтиш мумкинки яхшилик қилади. Ушбу нуқтаи назардан, бизнинг фикримизча, “хизмат” бир томондан истеъмолчига, иккинчи томондан бозор субъектлари (ишлаб чиқарувчи, савдо турли хизматларни кўрсатувчи корхоналар)га фойда келтирадиган, инсонларнинг маълум эҳтиёжларини қондириш орқали уларга ёрдам (яхшилик) берадиган бозор субъектларининг фойда олишга қаратилган иқтисодий фаолият тури экан ушбу категорияни маркетинг объекти сифатида ўрганиш зарурияти ўз-ўзидан маълум бўлади.

Мамлакатимиз туман ва шаҳарлари, қишлоқларида кўплаб турли йўналишлардаги хизмат кўрсатиш объектларининг ишга туширилаётгани, аҳолининг шахсий бизнес фаолиятининг ўсишига ҳамда бандликнинг ошишига тўртки бўлаётганининг гувоҳи бўлиб тўрибмиз.

Бирок, шундай бўлсада, соҳанинг мамлакат аҳолиси ҳаётининг сифат даражасининг ошишини белгиловчи омил, шунингдек бозорнинг инфраструктуравий тармоғи сифатида унинг бозор динамикаси, жозибadorлиги, рақобатнинг интенсивлигини ўрганиш ва шунингдек унинг келгусидаги ривожланиш босқичларини маркетинг усуллари қуллаш орқали прогнозлаш муаммолари етарлича илмий асосда ўрганилмаган. Айнан шу ҳолат **танланган магистрлик диссертация мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.**

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Хизматлар соҳасининг иқтисодиётда тутган ўрни, тармоқ корхоналари фаолиятини такомиллаштириш, самарадорлигини баҳолаш, хизматлар маркетинги каби йўналишларда соҳага тегишли умумий муаммоларини ўрганиш масалалари бўйича дунёнинг кўпгина олимлари тадқиқотлар олиб боришган ва олиб боришмоқда. Ф. Котлер¹⁰, В. Баумоль¹¹, С. Блекмен¹², Е. Вольфлор¹³, Р. Солоу¹⁴, К. Лавлок¹⁵ каби ҳориж олимлари шулар жумласидан.

Айниқса, хизматлар соҳасининг назарий ва методологик асосларини яратишда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти олимларининг алоҳида ўрни бор. Кейинги 10 йил давомида соҳанинг иқтисодиётини илмий-назарий асослашга бағишланган юзлаб илмий ишланмалар яратилди ва амалиётга тадбиқ этиб келинмоқда. Бу борада Б.А. Абдукаримов¹⁶, Д.Х. Асланова, Р.Ғ.Ибрагимов¹⁷, И.Х.Ибрагимов¹⁸, Қ.Ж. Мирзаев¹⁹, Ш.А. Мусаева, Ҳ.Н. Мусаев²⁰, М.М. Мухаммедов²¹, И.С.Тухлиев, М.Қ.Пардаев²², Э.Ф. Файзиев²³, К.Б.Уразов, И.А.

¹⁰ Котлер Ф. Основы маркетинга. М.: Прогресс, 1990. 638 –бет.

Кудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Услубий тавсия. Т.: «Fan va texnologiya», 2007. – 28 б.

Р.Ғ. Ибрагимов “Маркетинг” Дарслик.Тошкент 2002 й.

И.Х. Ибрагимов. Хизматлар соҳасида маркетинг концепциясининг ўзига хос жиҳатлари Самарқанд 2014 йил. –56 бет

Рисола. СамИСИ,

Усманов, Ғ.Ҳ. Қудратов, Ж.М. Қурбонов ²⁴ каби олимларнинг илмий тадқиқотларини алоҳида қайд этиш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг мақсади ва вазифалари – диссертация ишининг мақсади мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодийни либераллаш шароитида Самарқанд вилояти хизматлар ҳудудий бозори жозибадорлигини баҳолашнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш бўйича муаммоларни асослаш ҳамда илмий асосланган таклифлар ва амалий тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг мақсадидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Хизматлар назарий асосларини тадқиқ этиш, уларнинг тавсифи, таснифини ва ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини аниқлаш;
- Постиндустриал иқтисодий тараққиёт шароитида хизматлар соҳасининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш;
- Самарқанд вилояти ҳамда ҳудудларда маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини ёритиш;
- Пайариқ туманида маиший хизмат ҳудудий бозори ва унга таъсир этувчи омилларнинг маркетинг таҳлилларини амалга ошириш;

¹¹ Қ.Ж. Мирзаев. Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик асослари” Иқтисод фанлари доктори диссертация автореферати. 2012 й. 49 бет.

²⁰ Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Профессорлар М.Қ.Пардаев ва Х.Н.Мусаевлар таҳрири остида. “Иқтисод молия”, 2008. 260 б.

²¹ Муҳаммедов М.М. “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш - устувор масала” – «SERVIS». Илмий-оммабоп журнал. 2009 йил, 1–сон. 53 б.

²² Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. “Иқтисод молия”, 2011. 172 б.

²³ Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Ўқув қўлланма. Самарқанд. “Зарафшон”, 2010. 244 б.

²⁴ Ж.М. Қурбонов. Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис // – «SERVIS». Илмий-оммабоп журнал. 2009 йил, 1–сон.

- Хизматлар бозорининг жозибадорлигини таҳил этиш;
- Хизмат кўрсатиш соҳасининг сифат ўзгаришига таъсир этувчи омиллар;
- Худудий хизмат бозорини ривожлантириш истиқболларини белгилашнинг маркетинг концепциясини ишлаб чиқиш.

- Диссертациянинг методологик асоси бўлиб, анализ, синтез, тизимли ва комплекс ёндошув, таққослаш, матрицавий, графикли, индекс, динамик қаторлар, трендлар ва корреляцион-регрессион таҳлил каби усуллар ҳисобланади. Статистик ва иқтисодий маълумотларни қайта ишлашда компьютер технологияларидан кенг фойдаланилди.

Диссертация тадқиқотининг предмети ва объекти. Самарқанд вилоят ва Пайариқ туман маиший хизматлар худудий бозори, унинг ўзгариш динамикасининг маркетинг тадқиқотлари, бозор жозибадорлигини белгиловчи омилларнинг маркетинг таҳлиллари ҳисобланади.

Диссертация ишининг назарий ва методологик асоси. Мамлакатимизда маиший хизмат соҳаси ва меҳнат муносабатларини тартибга солишга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, мамлакатимиз Президентининг Фармонлари, Қарорлари ва асарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, мамлакатимиз ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий ишлари ҳисобланади.

Диссертацияни ёзишда Самарқанд вилояти Статистика бошқармаси ва маиший хизмат кўрсатиш соҳасида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг статистик ҳисоботларидан ҳам фойдаланилди.

Диссертация ишининг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кудратов Ғ.Х., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Услубий тавсия. Т.: «Fan va texnoloqiya», 2007. – 28 б.

Р.Ғ. Ибрагимов “Маркетинг” Дарслик. Тошкент 2002 й.

И.Х. Ибрагимов. Хизматлар соҳасида маркетинг концепциясининг ўзига хос жиҳатлари Рисола. СамИСИ, Самарқанд 2014 йил. –56 бет

Қ.Ж. Мирзаев. Агросервис хизматлари самарадорлигини оширишнинг методологик асослари” Иқтисод фанлари доктори диссертация автореферати. 2012 й. 49 бет.

Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Профессорлар М.Қ.Пардаев ва Х.Н.Мусаевлар таҳрири остида. “Иқтисод молия”, 2008. 260 б.

Муҳаммедов М.М. “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш - устувор масала” – «SERVIS». Илмий-оммабоп журнал. 2009 йил, 1–сон. 53 б.

Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. “Иқтисод молия”, 2011. 172 б.

Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Ўқув қўлланма. Самарқанд. “Зарафшон”, 2010. 244 б.

Ж.М. Қурбонов. Хизмат, хизмат кўрсатиш, сервис // – «SERVIS». Илмий-оммабоп журнал. 2009 йил, 1–сон.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар натижасида миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, давлатимиз чегаралари дахлсизлигини, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозликка асосланган бошқарув тизимидан мутлақо воз кечилиб, бозор ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолишни таъминлади ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва

жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Мазкур дастурнинг “Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган учинчи блокидаги “Таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш” бўйича Дастурида миллий иқтисодийнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлаш, унинг таркибида саноат, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушини кўпайтириш, шунингдек хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш вазифаси белгилаб ўтилган.

Булардан ташқари, ҳудудлар иқтисодийтини модернизация ва диверсификациялаш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайитириш ҳамда янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш каби йўналишлар замирида мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда

жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этиши ётади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва аҳолининг бандлик масаласини хизматлар соҳасини кенгайтириш ҳисобига янада ошириш каби муҳим тадбирларга қаратилган “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори доирасида қабул қилинган вазифалар олдинги олиб борилган ишларни янада аниқлаштириш ва мамлакатда ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган амалий тадбирлардан бири сифатида муҳим аҳамият касб этди²⁵. Эришилган натижаларни янада ривожлантириш борасида “2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори қарор қабул қилинди²⁶. Ушбу қарорлар доирасида соҳани ривожлантириш мақсадида мамлакатимизда кўплаб ҳуқуқий, ташкилий-амалий ишлар оширилиши баробарида улкан натижалар қўлга киритилди.

Ўзбекистон ҳукуматининг хизматлар соҳасини стратегик аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда хизматлар бозори таркибида хизматларнинг янги истиқболли турлари-туризм, банк-молия, суғурта, ахборот- коммуникация хизматлари ва бошқаларни ривожлантириш ҳисобига такомиллашиб бормоқда. Оилаларни мураккаб маиший техника, компьютерлар ва шахсий автотранспорт билан таъминлашнинг кескин ошиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кескин кўпайишига имкон яратди.

Аммо, тан олиш керакки, ҳақиқатда мазкур соҳани ривожлантиришда жиддий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, бандликни ошириш ва аҳоли

²⁵ “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 12 май ПҚ-1734 сонли қарори

²⁶ “2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 феврал 55-сон қарори.

даромадларини кўпайтириш ҳамда маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг истиқболли манбаи сифатида хизмат кўрсатиш ва сервис имкониятларидан кам фойдаланилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси айниқса, қишлоқ жойларда жуда суст ривожланмоқда. Лекин шуни эътироф этиш керакки, ушбу соҳа жуда катта маблағ талаб қилмайдиган, кичик ва хусусий тадбиркорликни жуда тез ривожлантириши мумкин бўлган соҳадир.

Бундай катта имкониятдан фойдаланиш даражаси талаб қилинган ҳолатдан анча кам. Ушбу соҳанинг яна бир муҳим жиҳати, қишлоқда ортиқча иш кучини иш билан таъминлаш масаласини ҳам ҳал қилишга кўмаклашувчи муҳим соҳа эканлигини ҳам ёддан чиқармаслик керак.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2005 йилда 38,3 фоизни ташкил қилган бўлса ушбу кўрсаткич 2015 йилда 54,3 %ни ташкил эмокда²⁷. Ваҳоланки, дунёнинг ривожланган мамлакатларида хизматларнинг ялпи ички маҳсулотларидаги улуши 60-80 фоизни ташкил этади. Ушбу мамлакатларда иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 70 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади. Хизмат ва сервис соҳасининг ривожланмаганлиги аҳолининг истеъмол харажатлари таркибига ҳам таъсир қилади. Мамлакатимиз аҳолисининг истеъмол харажатлари таркибида хизматларнинг улуши бор- йўғи 15,4 фоизни ташкил қилади²⁸. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткичнинг миқдори ривожланган мамлакатларга 50-60 фоизни ташкил этмокда²⁹.

Ушбу ҳолатларни инобатга олиб Президентнинг ҳаракатлар стратегияси дастурида хизмат кўрсатиш ва сервис жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли турли-туман хизмат турлари билан тўлдириш аниқ чора-тадбирлари белгиланган.

²⁷ Ўзбекистоннинг статистик ахборотномаси 2005-2015 йиллар.

²⁸ Социальное развитие и уровень жизни населения в Узбекистане 2004. Т.: Госкомстат Узбекистан. 2005-72 бет.

²⁹ “Ўзбекистон Республикасида 2012-2016 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 17 апрел. Халқ сўзи. 2006 18 апрел-1 бет.

Ҳозирги пайтда жуда кўплаб янги хизмат турлари кўпайди. Аммо шу соҳани такшил қиладиган ва бошқарадиган кадрларнинг айримлари мамлакатимизда умуман тайёрланмаслиги ачинарли ҳолдир. Хизматлар бозори таркибида хизматларнинг янги истиқболли, мамлакатимизнинг келажагини белгилайдиган турлари, яъни замонавий банк-молия, суғурта, ахборот-коммуникация хизматлари, туризм сервисини такомиллаштиришга қаратилган кадрларни тайёрлашга эндигина киришилди. Уларнинг айримлари бўйича бакалаврлар икки йилдан кейин битирадилар. Боз устига мамлакатимизнинг замонавий оилаларида мураккаб маиший техника, компьютерлар ва турли русумдаги шахсий автотранспорт билан таъминлашнинг кескин ошиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кескин кўпайишига имкон яратди. Аммо бу соҳада ҳам кадрларни етарли деб бўлмайди.

Буларни инобатга олиб Президентимизнинг мазкур қарорида “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларида мутахасссисликлар рўйхати ва хизматлар кўрсатиш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатини танқидий ўрганиш асосида... ўқув жараёнини такомиллаштириш, шу жумладан унинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини чуқурлаштириш ҳамда бу ўқув юртларидаги ўқитувчиларнинг малакасини ошириш”³⁰ масаласи қўйилган.

Мазкур қарорда амалиётчилар билан биргаликда назариётчи олимлар олдига ҳам муҳим вазифалар қўйилган. Хусусан, аҳоли бандлигининг ҳудудий хусусиятларини ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасида статистика маълумотларини тўплаш тизимини ҳисобга олган ҳолда хизматларнинг статистик, шу жумладан алоҳида тармоқлар бўйича ҳисоби методологиясини такомиллаштириш дастури ишлаб чиқиш вазифаси қўйилган. Мазкур методологияни яратиш ва такомиллаштиришда амалиётчилар билан бирга олимларнинг ҳамкорлиги ҳамда чуқар тадқиқотлар натижасида такомиллашган тавсияларни ишлаб чиқишни тақозо қилади.

Мазкур соҳада тадбиркорликнинг ривожланиши учун яна муҳим тадбирлардан бири, уларга солиқ имтиёзларининг берилиши бўлди. Бунинг ифодаси 2006 йил 1 апрелдан бошлаб хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатига даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашидан озод этилганидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда хизматлар соҳасининг ҳолати хусусида айрим далилларни келтиришни мақсадга мувофиқ, деб топдик. 2005 йилда аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми 1609,7 млрд. сўмни, унинг реал ўсиши эса 2004 йилга нисбатан 15,0 фоизни ташкил қилди. Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатишнинг асосий қисми, яъни 55,4 фоизи расмий сектор томонидан амалга оширилди, ушбу секторда амалдаги нархларда хизматлар ҳажми 891,6 млрд. сўмни, ўсиш суръати эса 108,4 фоизни ташкил қилди.

Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 24,4 фоизга ўсиб, 718,1 млрд. сўмни, уларнинг пуллик хизматлардаги умумий ҳажмидаги улуши эса 44,6 фоизни ташкил этди.

Аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар бозорида нодавлат секторининг улуши 74,3 фоизни ташкил қилди³¹ Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳаси умуман олганда ўсиш тенденциясига эга. Мазкур қарордагит кўрилган чора-тадбирлар, уларга берилган имконият ва имтиёзлар келажакда ушбу соҳанинг жадал ривожланишини таъминлаш билан бирга, хизматлар сифатининг ошишига, унинг андаозалар даражасидаги ҳолатининг шаклланишига олиб келиши муқаррар.

Сервис соҳасига эътибор фақат мазкур қарор билан чегараланиб қолган эмас. Бунга муттасил эътибор бериб келинган. Чунки, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги ва яқин келажакдаги устувор вазифаларидан бири сервис соҳасини ривожлантиришдан иборатлигига ҳеч кимда ҳеч шубҳа бўлмаса керак.

Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий – иқтисолий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни

чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисдаги маърузасида иқтисодиётда сифат ўзгаришларини таъминлаш натижасида “2010 йилгача саноатнинг, шу жумладан қурилиш индустриясининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини басқичма- босқич 2426 фоизгача, хизмат соҳасининг улушини 45-47 фоизгача кўпайтириш даркор”³², деган қатъий вазифани қўйди.

Сервис соҳасини ривожлантириш аҳолининг даромадларини кўпайтириш, турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шарти бўлган аҳолининг бандлик масаласининг ҳам ҳал бўлишини таъминловчи муҳим омиллардан биридир. Президентимиз таъкидлаганидек: “2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, биринчи навбатда, қишлоқ жойларда ривожлантириш”³³ лозимдир. Бу юмушлар катта инвестиция талаб қилмасдан кўплаб янги иш ўринларини яратиш имкониятини беради.

Сервис соҳасини ривожлантириш бандлик муаммосини, “айниқса, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилаларнинг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имконияти яратилади”³⁴ Бу биринчидан, аҳолини иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг аниқ даромадларини кўпайтиришга хизмат қилса, иккинчидан, мамлакатимиз бозорини хизматларга бўлган эҳтиёжини қонлириш орқали аҳолининг турмуш даражасининг ошишига сабаб бўлади.

Мамлакатимиз Президенти А.И.Каримов томонидан хизмат соҳасини ривожлантиришнинг аниқ чора-тадбирлари ҳам белгилаб берилди, яъни “бу масалани ҳал қилиш учун бўлган бинолар, микрокредитлар ажратиш, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама ёрдам ва кўмак кўрсатиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш даркор” деган қатъий кўрсатмани Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

32

33

34

Кенгаши, барча вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимликларига бердилар. Хуллас, сервис соҳаси ҳам бошқа соҳалар сингари кескин ривожланиш палласига кирди. Эндиги вазифа жойларда уларни изчиллик билан амалга оширилишида.

Чунки хусусий тадбиркорлик учун жозибадор бўлган кўпгина анъанавий хизмат турлари шаҳарда ҳам қишлоқда ҳам етарли даражада ривожланмаяпти. Айниқса қишлоқ жойларда бу соҳанинг ривожланиши учун ҳеч қандай таъсирчан чора кўрилмасдан келинди. Шу туфайли мазкур қарорда: “Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарлари бу муҳим тармоққа керакли даражада эътибор қаратмаётганлигига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди”³⁵-деб таъкидланган. Албатта, эътибор берилмаган соҳанинг самарадорлиги ҳам ўзига яраша бўлади

Демак, энди сервис соҳаси ривож тапади. Унинг истиқболига тўхталишдан олдин шу сервис сўзи мазмунининг изоҳига тўхталсак. Чунки, сервис сўзининг маъносини ҳар хил талқин қилмоқда. “Сервис инглизча service сўзидан олинган бўлиб, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш”ни англатади ³⁶. Русча- ўзбекча луғутда³⁷ “сервис-* сервис (аҳолига хизмат кўрсатиш, хизмат) ”, деб кўрсатилган. Кўриниб турибдики, сервис сўзи хизмат соҳаси билан ҳамоханг, бир-бирига ўхшаш синоним сўзлардир.

2006-2010 йилларда Президент қарорига биноан, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат бўлади:

³⁵ “Ўзбекистон Республикасида 2006- 2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги қарори 2006 йил 17 апрел Халқ сўзи. 2006 йил 18 апрел-1 бет.

³⁶ Словарь иностранных слов. 16е из, испр.-М.: Рус.яз., 1988-461 бет

³⁷ Русча-ўзбекча луғут. II-том Т.: ЎСЭ Бош редакцияси 1984.-410 бет

1. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, хусусан, бу борадаги расмийчилик тўсиқларини бартараф этиш вазифаси қўйилган.

2. Хизматлар ҳажмини юқори суръатларда ўсишини таъминлаш ва уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2010 йилда 49 фоизга етказиш.

3. Хизматлар ва сервис соҳасида банд бўлган аҳолининг сонини 2010 йилга бориб 1,6 кўпайтириш.

4. Қишлоқ жойларда хизмат ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, хусусан, қишлоқ аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал- маиший, уй-жой таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва машина трактор паркларини соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини ошириб бориш.

5. Мамлакатимизда анъанавий хизматлар турларини ривожлантириш, айрим бугунги кун талабига жавоб берадиган, аммо унутилиб кетилган хизмат турларини излаб топиш ва уларни тиклаш.

6. Хизматларнинг янги истиқболли турларини, хусусан, юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва бошқаларини жадал равишда ривожлантириш.

7. Мамлакатимизнинг хизматлар экспортини кўпайтириш учун ушбу соҳа корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлар даражаси ва сифатини оширишга эришиш.

8. Энг муҳими, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб- қувватлаш.

Белгиланган ҳар бир тадбир, ушбу соҳани ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Шу туфайли ушбу тадбирларни беками-кўст бажариш учун хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш Дастури ишлаб чиқилган ва бу борадаги аниқ вазифалар тегишли мутасаддиларга юклатилган. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳам ушбу Дастурдан келиб чиқиб ўзларининг минтакавий дастурларини ишлаб чиқиши ва унинг бажарилишини таъминлаш вазифаси қўйилган. Энг муҳим, ушбу Дастурларда кўзда тутилган барча тадбирлар ЎЗР Вазирлар Маҳкамаси тамонидан мониторинг қилиб борилади ва йилнинг ҳар чорагида, ярим йиллик натижалари, тўққиз ойлик йиллик ҳисоботларда эшитилиб, бажарилиши назорат остига олинган.

Президентимизнинг ушбу қарорига асосан аҳолига, айниқса, қишлоқ аҳолисига, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Аҳоли бандлигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан шу соҳа билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар ажратиш ва шу асосда аҳолининг бандлиги даражасини ошириш вазифаси ҳам юклатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳамда уни замонавий даражага олиб чиқадиган кадрлар мамлакатимизда етишмайди. Боз устига уларни тайёрлаш масаласи ҳам қарорда таъкидланганидир, қониқарсиз аҳволда. Бу масала ўта жиддий тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади.

КИРИШ

Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Бу тармоқни ривожлантириш масаласи республикаимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим устивор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да хизматлар тармоғини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш борасида алоҳида тўхталиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Бугунги кунда муайян бир хизмат туридан фойдаланмайдиган ташкилот ёки хонадон йук. Чунки ҳаёт давом этар экан, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига доимо эҳтиёж ортаверади. Мазкур тармоқнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, кўп миқдорда маблағ ва капитал қўйилмалар сарфламасдан туриб, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда даромадларини ошириш, иқтисодиётнинг юксалишига катта ҳисса қўшиш мумкин.

Хизматлар кўрсатиш соҳаси миллий иқтисодиётни тўлдириб турувчи, ёрдамчи соҳадагина эмас, аҳолини иш билан таъинлаш, ЯИМ ва экспорт ҳажмини кўпайтиришга имкон берувчи, уларнинг харажатларини оптималаштирувчи тармоқлар мажмуидир. Шу сабабли ҳам мустакиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти.

Ўзбекистон Республиканинг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "...аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Бундай тармоқлар ташки конъюнктурага ҳам, об-хаво шароитига ҳам боғлиқ эмас, яъни ташки омилларнинг ўзгариши уларга таъсир кўрсата олмайди. Айни пайтда бу хизматлар ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўплаб турларига ички талабни оширади, шунингдек, истеъмол бозорида мутаносибликни саклашда муҳим роль ўйнайди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида маиший хизмат ўзига хос ўринга эга. Бу хизмат хусусий мулкка асосланган тадбиркорлик йўли билан ривожланадиган соҳадир. Унинг аҳамияти энг аввало, янги иш ўринларини очиш эвазига халқ фаровонлигини оширишга, хизмат турларини кўпайтириш орқали мамлакат хизмат бозорини тўлдиришга, катта даромад олиш эвазига унинг бир қисмини солиқ тариқасида тўлаш йўли билан Давлат бюджети даромадини кўпайтиришга олиб келиши билан белгиланади. Бундай муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш учун маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил қилиш ва бу соҳани узлуксиз такомиллаштириш лозим бўлади.

Маиший хизмат кўрсатиш фаолияти мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Ушбу жараён корхона ходимларини ва ресурсларини самарали бошқариш, хизмат кўрсатиш стандартларига риоя қилиш, кўрсатилаётган хизматларнинг истеъмолчилар талабларига мос келиши орқали таъминланади. Бу эса маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизм-ларини такомиллаштиришни талаб этади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида маиший хизмат ўзига хос ўринга эга. Маиший хизмат дейилганда, инсонларнинг кундалик ҳаётида зарур бўлган уларнинг индивидуал ривожланиши ва фаол дам олишини таъминлашга, бўш вақтини кўпайтиришга йуналтирилган хизматларни кўрсатишга қаратилган турли фаолият тизими тушунилади.

Шундай экан, бу хизмат хусусий мулкка асосланган тадбиркорлик йўли билан ривожланадиган соҳадир.

Унинг аҳамияти энг аввало, янги иш ўринларини очиш эвазига халқ фаровонлини оширишга, хизмат турларини кўпайтириш орқали мамлакат хизмат бозорини тўлдиришга, катта даромад олиш эвазига унинг бир қисмини солиқ тариқасида тўлаш йўли билан Давлат бюджети даромадини кўпайтиришга олиб келиши билан белгиланади.

Бундай муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш учун маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни ташкил этиш ва бу соҳани узлуксиз такомиллаштириш лозим бўлади.

Маиший хизмат кўрсатиш фаолияти мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Ушбу жараён корхона ходимларини ва ресурсларини самарали бошқариш, хизмат кўрсатиш стандартларига риоя қилиш, кўрсатилаётган хизматларнинг истеъмолчилар талабларига мос келиши орқали таъминланади. Бу эса маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизмларини такомиллаштиришни талаб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда маиший хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжуд бўлиб, улардан кенг фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий самарадорликнинг ўсиши ва барқарор ривожланишини таъминлайди. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ва мувозанатлашган тарзда ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг замонавий юкори технологик ва бозор хизмат турларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, бунинг асосида янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадлари оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон

Республикиси Президентининг "2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ 1957-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги "2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4707-сонли фармони, «2016 йил 26 феврал куни қабул қилинган 55-сонли «2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 5-октябрдаги ПФ-4848-сонли «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси Тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармонларининг қабул қилиниши мамлакатимизда, айникса қишлоқ жойларда маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожланишига янада улкан имкониятлар очиб беради.

I-бoб. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

1.1. Хизмат кўрсатиш соҳасининг жамият тарққиётидаги ўрни ва аҳамияти

Хизматлар бу мақсадли фаолият бўлиб, инсоннинг бозорда талаб ва таклиф объекти вазифасини ўтайдиган муайян эҳтиёжини қондиришга қодир бўлган фойдали самарани ифодалайди. Хизматлар тушунчаси кенг қамровли тушунчаларни ўз ичига олади. Умуман олганда хизмат деганда, яққол моддий кўринишга эга бўлмаган турлича фаолият турлари тушунилади.

XX аср иқтисодиётининг энг асосий қонунияти - бу индустриал иқтисодиётни постиндустриал иқтисодиётга ёки хизматлар иқтисодиётига ўзгаришидадир. Хизматлар иқтисодиётига ўтиш жараёни универсал бўлиб, барча мамлакатларга ҳосдир. Лекин, ушбу жараён ҳар бир мамлакатнинг ўз ички имкониятлари асосида шаклланиб бориши ҳамда бевосита иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти қайд этганидек, "Барчамизга аёнки, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан ушбу соҳа ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишини кўрсатмоқда"³⁸ дея таъкидлаб ўтган эди.

Хизматларнинг ривожланиши ўзининг узоқ тарихига эга эканлиги натижасида XX аср сўнгига келиб унинг жаҳон Ялпи ички маҳсулоти таркибидаги улуши 68,0 % га етди. Ўтган 100 йил давомида хизматлар соҳаси таркибий жиҳатдан кескин ўзгарди. XX аср бошларида кўрсатилаётган хизматлар доираси чегараланган бўлиб, уларнинг катта қисмини уй хизматлари, шунингдек савдо, транспорт, маиший хизматлар ташкил этган. Бугунги кунда эса илмий тадқиқотлардан тортиб токи таъмирлаш хизматларигача, таълимдан бошлаб токи қариялар ва ногиронларга хизмат кўрсатишгача бўлган 160 та хизмат турлари

³⁸ Каримов И.А. 2015 йил иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ўзгартиришни таъминлаш йили бўлади.

мавжуд бўлиб, мураккаб ақлий меҳнатдан фойдаланиладиган соҳалар юқори ўринни эгаллайди.

Халқаро хизматлар бозорини ўрганиб, уларнинг натижалари умумлаштирилганда қуйидаги тенденцияларни кўриш мумкин:

- ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, молиявий институтлар томонидан кредитлаштириш амалиётининг деярли 70 фоизи шу соҳага тўғри келади;
- ЯИМ таркибида хизматлар соҳасини улуши АҚШда 78,5%, Германияда 69,1%, Россияда 43,4%ни, ушбу соҳада яратилаётган иш ўринлари салмоғи эса АҚШда 73,0%, Германияда 41,0% ва Россияда қарийб 30%ни ташкил этади;
- келажакда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ахборот ва коммуникация технологиялари, инновацион технологиялар бозорининг вужудга келиши ва жадал ривожланиши, молия-банк секторини ривожлантиришнинг янги тартибларини шакллантириш, бошқарув тизимининг самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, аҳолининг замонавий хизмат турларига, шу жумладан халқаро туризмнинг турли шаклларига бўлган эҳтиёжини мунтазам ошиб боришидан иборат бўлади;
- маркетинг, реклама, менежмент, ва компьютер хизматларига кўп харажат талаб этадиган юқори технологияли саноат тармоқларини шакллантириш, аҳоли эҳтиёжлари билан бир қаторда, хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади;
- бугунги кунда дунёдаги бўлиб ўтаётган сиёсий воқеалар ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатларда туризм, транспорт, умумий овқатланиш ва бошқа хизмат турларига бўлган талабнинг пасайиши орқали хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожланишига албатта таъсир ўтказмасдан қолмайди.

Хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг афзаллиги нимадан иборат ва нима учун давлатимиз хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш йулини танлади? Бунинг узига хос хусусиятлари бўлиб, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг афзалликлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- Инсоннинг камол топиши, ривожланиши ва баркамоллигини таъминлашни рағбатлантирувчи соҳа;
- Истеъмол бозорини замонавий хизмат турлари билан тўлдиради ва хажмини оширади;
- Иқтисодиётни ривожлантиришга сезиларли таъсир кўрсатади;
- Катта маблағ талаб этилмайди, ташкил этиш учун маҳаллий моддий ресурслардан кенг фойдаланиш имкониятлари бор;
- Аҳолининг эҳтиёжи узлуксиз ўсиб боради;
- Иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сони ортади;
- Аҳоли даромадларини оширади;
- Истеъмол бозорини замонавий, сифатли хизматлар турлари билан тўлдиради;
- Айниқса, қишлоқ жойларидаги аҳолига кўрсатилаётган хизматлар ва сервис соҳа тармоқлари кўпайиб, хизмат кўрсатиш даражасини ўстиради;
- Иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Республикамиз мустақилликка эришгандан кейинги ўтган давр мобайнида, иқтисодиётимизда хизматлар соҳаси энг илғор ва тез ривожланиб бораётган соҳалардан бири бўлиб, 1990-2014 йиллар мобайнида кўрсатилган хизматларнинг хажми 3,9 баробарга ошди. Охирги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ЯИМга нисбатан илғор ўсиш таъминлаш натижасида мамлакат иқтисодиётида ушбу тармоқнинг ҳиссаси ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. 1990 йилда ЯИМдаги хизматлар улуши 33,8% ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йилга келиб 54,0% етди. Албатта, бу кўрсаткичлар ушбу соҳага кенг молиявий имкониятларни яратилаётганлигидадир.

2016 йилда республика иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрнини оширган ҳолда, унинг ЯИМдаги улушини 55,0% гача етказиш учун қуйидаги вазифалар амалга оширилди:

- кредит ташкилотлари томонидан мазкур соҳа ривожига кенг кредит линияларини жорий этилди;
- хизмат кўрсатиш соҳасида 10 мингдан ортиқ шоҳобчаларни фойдаланишига топширилди;

- ҳудудларда туризм соҳасини ривожлантириш дастурларини амалга оширилди.

Хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг қуйидаги инновацион ривожланишга босқичма-босқич ўтишни амалга ошириш лозим:

- юкори технологик тармоқларни хизмат кўрсатишдаги жадал ўсиши;
- энергия тежамкор тармоқларни янада ривожланиши тامينлаш керак.

Қуйидаги хизмат кўрсатиш соҳаларида бозор инфратузилмаси ва кичик бизнеснинг ривожланишини амалга оширишда кўмаклашиш керак:

- инфратузилма объектларини ташкил этишда давлат ҳокимияти органлари томонидан кўмаклашиш, бунда биринчи навбатда информацион-тижорат тармоқларини ривожлантириш, ҳуқуқий, маркетинг ва молия-кредит хизматларини ривожлантириш;
- бошқа манбаларни, шунингдек чет эл инвестияларини кенг жалб қилиш механизминини такомиллаштириш;
- ўзини ўзи самарали бошқариши учун хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес субъектларига иш майдонлари, бино ва иншоотлар етказиш, суғурта схемаларидан фойдаланиб молиялаштиришнинг банкдан ташқари шаклининг механизминини жорий этиш, технологик ускуналарни лизингга бериш, каби тадбирларни амалга оширилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар негизда вужудга келаётган янги иқтисодий муносабатлар маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қулай имкониятларни вужудга келтирди, яъни иқтисодий ислохотлар жараёнида маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари фаолиятларини такомиллаштириш, янги хизмат кўрсатиш шакллари ва усулларининг пайдо бўлишига имконият яратди.

Бугунги кунга келиб, хизмат кўрсатиш фаолияти иқтисодий жиҳатдан ишлаб чиқаришга қараганда самарали бўлиб бормокда, чунки хизмат кўрсатиш корхоналарида молиявий маблағлар айланиши тезроқ кечади ҳамда бунда дастлабки фаолиятни бошлаш учун кам сармоя талаб этилади.

Ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган давлатлар тажрибасига таянган ҳолда республикамизда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти йилдан-

йилга жадал суръатларда ривожланиб бормокда. Чунки кичик маиший хизмат кўрсатиш корхоналари бозор конъюктураси талаблари ва иқтисодий муҳитнинг ўзгаришига саноат корхоналарига қараганда тез мослашиш қобилиятига эгадир. Хизмат кўрсатиш фаолиятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиб бориши, аҳолининг маиший хизматларга бўлган эҳтиёжларининг ўсиб бориши билан чамбарчас боғлиқдир.

Иқтисодиётимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида маиший хизматлар миқдори ва сифатига қўйилаётган талаблар ошиб бормокда. Ривожланган давлатлар тажрибасининг қўлланилиши хизматларга бўлган талабнинг ошишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида истеъмол бозори тузилмасида ўзгаришларни вужудга келтирди. Шунингдек, аҳолининг айрим қатламлари моддий фаровонлиги ошиши натижасида маиший хизматларга талаблари ва эҳтиёжлари мавжуд бўлган истеъмолчилар сафи кенгайди, уларнинг ҳаёт қулайликларини оширишни таъминлайдиган турли ассортиментдаги маиший хизматларга талаб ва эҳтиёжлари кўпайди. Шу сабабли айрим маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятларини аҳолининг айнан ана шу талаблари ва эҳтиёжларини қондиришга қаратадилар.

Республика ҳудудларини қишлоқ жойларидаги кўрсатилаётган маиший хизматни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Жазирама ёз иссиғининг ва қиш кунларида энг зарур бўлган маиший хизмат ҳаммом ва сартарошлик хизматлари талабга жавоб бермайди. Шунинг учун аҳолининг сихат-саломат бўлиши кўпроқ янги шу икки турдаги хизматнинг ҳажмини ва сифатини ошишига боғлиқ ва бу йўналишга маҳаллий бошқарув органларининг мустақиллигини ошириш ва рақобат асосида эришиш мумкин.

Мамлакатимиз аҳолиси кундан-кунга ўсиб, уларнинг халқ истеъмол молларига бўлган талаби ҳам ўсиб бормокда. Айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида талабнинг кескин ўсганлиги намоён бўлмокда ва талабнинг кўп қисми четдан олиш ҳисобига қондирилмокда.

Бунинг асосий сабаби бизда ишлаб чиқаришнинг пастлигидир. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжини қандай қилиб қондириш мумкин. Албатта ҳозирги шароит,

ҳар кимдан тежамкорликни, ишбилармонликни, тадбиркорликни ва ташаббускорликни талаб қилмоқда.

Маиший хизмат соҳаларида ҳам бозор иқтисодиётининг таъсири кўринмоқда. Бу соҳаларни янада ривожлантириш, такомиллаштириш ҳозирги замон талабидир. Бунинг учун шу соҳалар бўйича хизмат жойларини хусусийлаштиришга кенг йўл очиб бериш керак.

Республика қонунлари билан мустахкамлаб қўйилган ва қўллаб қувватланган хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунидан ҳар бир тадбиркор фойдаланиши мумкин. Маиший хизмат муассасаларини хусусийлаштириш бир қанча қулайликларни келтириб чиқаради ва рақобатни ривожлантиради.

Айниқса, ижтимоий-ишлаб чиқариш билан банд бўлмаган кишилар маиший хизмат муассасаларининг хусусийлаштирилиши йўли орқали иш билан ҳам таъминланади, аҳолининг бу хизматларидан мамнунлиги ортади. Нафақахур ва ногиронлар ҳам шу йўл билан таъминланади.

Шунингдек рақобат вужудга келади ва хизматларнинг сифати ортади ва нархлар аҳоли даромадларига мос келади.

Мулкка эгалик ҳуқуқини ўзгартириш, ягона мақсадгина эмас, давлат ва хусусий, яъни янгича давлат тадбиркорлигини шакллантириш воситаси ҳамдир.

Йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари (тикувчилик, трикотаж, пойафзал) негизида айрим цехлар, участкалар, устахоналар ва ательеларни мустақил ишлаб чиқаришга айлантирилган ҳолда кичик корхоналар ташкил этилади.

Бунда асосий эътибор қишлоқ жойларга қаратилади. Биринчи навбатда маиший хизмат кўрсатишнинг паст рентабеллиги ва кичик объектлар айрим Янги аср кооперативларга топширилади. Ўрта катталиқдаги объектлар эса шу муассаса томонидан кейинчалик ҳақ тўлаб, давлатдан сотиб олинади ва ижарага берилади. Хусусийлаштириш жараёнида қайд қилганимиздек, кичик, хусусий ва оилавий ательелар, устахоналар, сартарошхоналар ташкил топади.

Маҳаллий кенгаш томонидан бу тадбиркорлик қанчалик қўллаб- қувватланса хусусийлаштирилган маиший хизмат соҳаларининг фаолликлари шунчалик ортиб боради. Бунда солиқни ҳам ҳисобга олиш зарур.

Ўзбекистонда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасидаги чет эл инвестициясини жалб қилиш, янги ишчи ўринларини ташкил этиш, рақобат мақсадида чет эл фирмалари билан қўшма корхоналари ҳудудларида ташкил этилмоқда.

Республикамиз иқтисодий фаровонлигининг ошиши ва иқтисодий ҳаётдаги ўзгаришлар янги турдаги талабларни шакллантиради, истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш сифатига талабларни оширади.

Кейинги йилларда Республикамиз Президентининг хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш масалаларига бўлган эътибори алоҳида сезилиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги "Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш ҳақида"ги ПК-325-сонли, 2007 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида"ги ПК-640-сонли қарори, ҳамда 2012 йил 10 майдаги "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги ПК-1754 сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги "2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий ўзгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4707-сонли фармони, «2016 йил 26 феврал куни қабул қилинган 55-сонли «2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 5-октябрдаги ПФ-4848-сонли «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси"нинг қабул қилиниши мамлакатимизда, айниқса

қишлоқ жойларда маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг жадал ривожланишига янада улкан имкониятлар очиб беради.

Ушбу қарорлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг республикамізда нисбатан қисқа муддат ичида жадал суръатлар билан ривожланишига туртки бўлди. Фан - техника тараққиётининг ривожланиши эса ахборот узатиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш билан янги турдаги хизматларни вужудга келтирди.

Хозирги кунда маиший хизмат кўрсатиш корхоналари истеъмолчиларнинг якка тартибдаги эҳтиёжларини қондиришга кўпроқ эътибор қарата бошлади. Чунки бундай йўл тутишига уларни соҳада вужудга келаётган рақобат муҳити мажбур қилмоқда. Рақобат ўз навбатида хизматлар сифатига қаттиқ талаблар қўяди. Лекин бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, маиший хизмат корхоналари ўртасидаги рақобат муҳити мамлакатимиз бозор конъюктурасига мувофиқ равишда энди шаклланиб бормоқда.

Рақобат муҳитининг яратилиши Ўзбекистондаги маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, хизматларга янги ҳаридорларни топиш, аҳолининг таъминланган ва кам таъминланган қатламлари учун маиший хизматлар ассортиментини тааллуқли нархларда шакллантириш ва табақалаштириш учун қўшимча дастак бўлиши зарурдир.

Маиший хизмат кўрсатиш соҳасида қоида тариқасида, функционал аҳамиятга эга бўлган барча кўринишдаги фаолият турлари тушунилади ва ижтимоий ишлаб чиқариш шароитида аҳолига хизмат кўрсатиш ҳамда реализация қилиш жараёнларини ифодалайди. Уларнинг фаолиятидан боғлиқ равишда такрор ишлаб чиқариш жараёнида маиший хизмат кўрсатиш соҳаси фаолият кўринишлари бўйича эҳтиёжларни қондириш хусусиятларига кўра, аҳамиятли равишда бир-биридан фарқланади.

Маиший хизматлар нафақат эҳтиёжларни қондиришда, балки аҳоли эҳтиёжлари шаклланишини мақсадга йуналтирилган ҳолда, уларнинг бўш вақтларини тежаш учун имконият яратади. Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ҳозирги ривожланиш босқичида маиший хизмат кўрсатиш соҳасида кичик корхоналарнинг кенг микёсда ривожланиши тадбиркорлик

фаолияти ривожланиши, аҳолининг қўшимча даромадлари ошиши, иш билан бандлик ва иш ўринлари сонининг юксалишига, шунингдек асосий ишдан ташқари ностандарт иш билан бандликни таъминлашга имконият яратади.

Шахсий эҳтиёжларни қондиришда хизматлар муҳим рол ўйнайди. Улар ўзига хос истеъмол қийматига эга бўлган турли хил кўринишдаги (жисмоний, интеллектуал, ижтимоий) эҳтиёжларни қондириш бўйича функционал аҳамият касб этади. Маиший хизматлар муҳим ва жуда керакли ҳаётий восита сифатида аҳоли истеъмол фондининг асосий қисмини ташкил этувчи ва эҳтиёжларни қондирувчи товарлар қаторига киради. Иқтисодий адабиётларда маиший хизмат тушунчасининг ижтимоий-иқтисодий категория сифатида моҳиятини ёритиб беришда турлича ёндашувлар мавжуд. Бу масаланинг куриб чиқилиши ҳозирги кунда аввало, унинг долзарблигини ифодалаб, у ёки бу кўринишдаги маиший хизматларга тегишли бўлган ёки бўлмаган фаолиятлар турларини аниқлаш имконини беради. Бу эса пировардида аниқ турдаги маиший хизматлар шаклланиши ва ривожланишига таъсир кўрсатади.

Бир қатор иқтисодчи олимларнинг қарашларида, муайян маиший хизмат соҳасининг функционал шаклланиши ва йуналтирилганлигидан келиб чиқилган ҳолда, бу соҳа алоҳида шахсий эҳтиёжларни қондириш сифатида уй хўжалигини юритишда оилавий-маиший муносабатларни ифодалайди, дейилади. Мазкур йўналиш намояндаларидан бири бўлган В.Н.Кряжевнинг фикрига кўра: "Маиший хизмат - халқ хўжалиги тармоқларига тегишли корхоналар сифатида оилавий-маиший муносабатларда юзага келадиган зарурий хизматларни ифодалайди"³⁹. Бу тушунча маълум хизматлар фаолиятлари доираси чегарасини жиддий равишда иқтисодиётнинг бошқа ихтисослашган тармоқларига қадар кенгайтиришни тақозо этади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида маиший хизматлар соҳасида замонавий фаолият турлари ва бўғинларининг шаклланиб бориши мазкур соҳанинг турли йуналишларда кенгайиб бориши учун асос яратади.

"Маиший хизмат" категориясининг моҳияти тўғрисидаги В.М.Дмитревнинг фикри шундан иборатки, *"Маиший хизмат - бу самарали ҳаракат сифатида*

³⁹ Свириденко Ю.П.. Сфера услуг: проблемы и перспективы развития. -М.: Изд "Кандид", 2001 -5 б.

кўпгина меҳнат унумдорлигининг натижалари бўлиб, ёки моддий-ашёвий предметларда гавдаланадиган, ёки сезиларли натижаларни ифодалайдиган аниқ кўринишдаги фаолият тури ҳисобланади"⁴⁰. Лекин мазкур таърифда маиший хизмат моддий ишлаб чиқариш соҳасига тегишли тармоқ сифатида қаралади ва бу соҳада меҳнат унумдорлиги аниқланади, деб ифодаланади. Шу нуқтаи назарни қўллаб- қувватловчи олимлардан Я.С.Ядгаровнинг фикрича: *"Маиший хизмат аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида ўзига хос моддий ишлаб чиқариш сифатида аниқланади"*⁴¹ ҳамда мамлакат миллий даромади ва жами ижтимоий маҳсулотда тармоқнинг реал улушини ифодалайди. Ушбу таърифда аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ўзига хос функционал кўринишлари ва хусусиятлари бошқа моддий ишлаб чиқариш тармоқларидан алоҳида ажратиб кўрсатилмаган.

"Маиший хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида ўзига хос тармоқ ҳисобланади. Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ўзига хослиги бозор иқтисодиётига утиш шароитида аҳоли асосий массасининг турмуш даражасини қўллаб-қувватлашда унинг ижтимоий аҳамияти юксалиши билан шартланади" ⁴² . Бизнинг фикримизча, "Маиший хизмат" категориясинн ёритиб беришда маиший хизмат соҳаси шаклланиши ва ривожланишининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериш зарур:

- маиший хизмат соҳаси аҳолининг маиший хизматларга эҳтиёжларини қондиришда турли йуналишлардаги функционал тизим бўлиб, хизмат кўрсатишда ўзига хос шакл ва усуллардан фойдаланишни ифодалайди;
- маиший хизмат соҳасининг моддий ишлаб чиқаришдан фарқи, хизмат кўрсатиш бўйича пировард натижаларга эришиш бевосита истеъмолчининг иштирокида юзага келади;
- маиший хизмат соҳасида кўрсатиладиган хизматлар хавфсизлиги ўзига хос ва алоҳида аҳамиятга эга эканлиги;

⁴⁰Дмитрев В.М. Основы изучения и прогнозирование спроса на бытовые услуги. М.: "Экономика", - 32 с.

⁴¹Ядгаров Я.С. Бытовая обслуживания. Экономика и культура сервиса. М.: "Экономика", 1990. -19 с.

⁴²Свириденко Ю.П. Сфера услуг: проблемы и перспективы развития. М.; Изд "Кандид", 2001. - 10 с.

- маиший хизмат кўрсатиш натижасида аҳоли эҳтиёжларини қондиришнинг истеъмол кийматига эга эканлиги.

Бизнинг фикримизча, юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда маиший хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида ўзига хос тармоқ бўлиб, аҳолининг асосий қисмига хизмат кўрсатади ва яшаш даражасини ошириб, унинг ижтимоий аҳволини юксалтириш имконини беради. Тадқиқотлар натижасида маиший хизмат кўрсатишнинг назарий масалалари ўрганилиб, унинг такомиллашган таърифни ишлаб чиқилди. *"Маиший хизмат кўрсатиш дейилганда, аҳолининг жисмоний, ижтимоий, моддий эҳтиёжларини қондиришга йуналтирилган, пировард натижаларга эришишда бевосита истеъмолчиларнинг талабларидан келиб чиқадиган, бозор конъюктураси ва иқтисодий муҳитнинг ўзгаришига тез мослашадиган ҳамда ривожланиш даражаси аҳоли турмуш шароити ва моддий фаровонлиги билан боғлиқ бўлган кўп қиррали функционал фаолият тушунилади"*.

Ишнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ҳозирги шароитда маиший хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш натижасида аҳолининг ижтимоий аҳволи яхшиланишига қараб ўсиб бораётган маиший эҳтиёжларни қондиришга қулай шарт- шароитларни таъминлайди.

Мамлакатимизда маиший хизматлар кўрсатиш пуллик хизматлар тизимида кенг ривожланиб бормокда. Бу соҳа аҳолининг турли хил маиший эҳтиёжларини қондиришда, уй хўжалигида меҳнат сарфини қисқартириш ва уни юритишни енгиллаштириш асосида фуқароларнинг бўш вақтларини яратиш, имконини беради. Пировардида эса ишчи кучи тўлиқ такрор ишлаб чиқариш, ҳудудда моддий ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнат унумдорлигини оширишга кумаклашади.

Бугунги кунга келиб, маиший хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодий жиҳатдан моддий ишлаб чиқаришга қараганда самарали бўлиб бормокда, чунки маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида молиявий маблағларнинг айланиши тезроқ ва энг асосийси, дастлабки фаолиятни бошлаш учун кам сармоя талаб этилади.

Хизматлар бу мақсадли фаолият бўлиб, инсоннинг бозорда талаб ва таклиф объекти вазифасини утайдиган муайян эҳтиёжини кондиритишга қодир бўлган фойдали самарани ифодалайди.

Хизматлар тушунчаси кенг қамровли тушунчаларни уз ичига олади. Умуман олганда хизмат деганда, яққол моддий кўринишга эга бўлмаган турлича фаолият турлари тушунилади.

XX аср иқтисодиётининг энг асосий қонуниятлари-бу индустриал иқтисодиётни постиндустриал иқтисодиётга ёки хизматлар иқтисодиётга ўзгаришидир. Хизматлар иқтисодиётга ўтиш жараёни универсал бўлиб, барча мамлакатларга ҳосилдир. Лекин, ўшбу жараён ҳар бир мамлакатнинг уз ички имкониятлари асосида шаклланиб бориши ҳамда бевосита иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти қайд этганларидек, *"Барчамизга аёнки, хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан ўшбу соҳа яъни ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутушини кўрсатмоқда"*⁴³ дея таъкидлаб ўтган эди.

2016 йилда республика иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўрнини оширган ҳолда, унинг ЯИМдаги улушини 60,0% гача етказиш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширилди:

- кредит ташкилотлари томонидан мазкур соҳа ривожига кенг кредит линияларини жорий этилди;
- хизмат кўрсатиш соҳасида 10 мингдан ортиқ шаҳобчаларни фойдаланишига топширилди;
- ҳудудларда туризм соҳасини ривожлантириш дастурларини амалга оширилди. Хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришнинг қуйидаги инновацион ривожланишга босқичма-босқич ўтишни амалга ошириш лозим:
- юқори технологик тармоқларни хизмат кўрсатишдаги жадал ўсиши;

⁴³ Каримов И.А. 2015 йил иқтисодиётимизда тўб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ўзгаришларни таъминлаш йили бўлади.

- энергия тежамкор тармоқларни янада ривожланиши таъминлаш керак. қуйидаги хизмат кўрсатиш соҳаларида бозор инфратузилмаси ва кичик бизнеснинг ривожланишини амалга оширишда кумаклашиш керак:

- инфратузилма объектларини ташкил этишда давлат ҳокимияти органлари томонидан кумаклашиш, бунда биринчи навбатда информацион-тижорат тармоқларини ривожлантириш, ҳуқуқий, маркетинг ва молия-кредит хизматларини ривожлантириш;

- бошқа манбаларни, шунингдек чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш механизминини такомиллаштириш;

- узини узи самарали бошқариши учун хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес субъектларига иш майдонлари, бино ва иншоотлар етказиш, сугурта схемаларидан фойдаланиб молиялаштиришнинг банкдан ташқари шаклининг механизминини жорий этиш, технологик ускуналарни лизингга бериш, каби тадбирларни амалга оширилиши кўзда тутилган.

Маиший хизмат кўрсатиш корхонаси ишининг самарадорлиги раҳбарнинг тўғри ташкилий-бошқарув фаолиятига боғлиқ бўлади. Ушбу ташкилий бошқарув ўз ичига қуйидагиларни олади:

- корхонанинг хизмат кўрсатиш фаолиятини режалаштириш, бозорни ёки хизматлар ассортиментининг ўзгариши натижасида корхона ривожланишининг истикболини белгилаш;

- хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ҳаражатларни баҳолаш;

- хизматлар ассортименти ва сифат даражасини инобатга олган ҳолда, технологик асбоб-ускуналар таркибини оптималлаштириш;

- истеъмолчилар билан ишлаш учун психологик қобилиятга эга бўлган ходимларни танлаш.

Маиший хизмат кўрсатиш фаолияти мураккаб ва кўп қиррали жараён ҳисобланади. Мазкур жараён корхона ходимларини ва ресурсларини самарали бошқариш, хизмат кўрсатиш стандартларига риоя қилиш, кўрсатилаётган маиший хизматларни истеъмолчилар талабларига мос келиши орқали таъминланади (1.1.2-жадвал).

Самарқанд вилоятида 2015-2016 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларининг ўсиш суръатлари. (млн. сўм)

	<u>Хизмат турлари</u>	<u>Нарх индекси</u>	<u>Жами хизмат, 2015 й, млн.сўм</u>	<u>Жами хизмат, 2015 й, улуши%</u>	<u>Жами хизмат, 2016 й, млн.сўм</u>	<u>Жами хизмат, 2016 й, улуши%</u>	<u>Ўтган йилга нисбатан ўсиши, %</u>
1	Жами -Хизматлар	106.1	5008013.6	100.0	6021047.2	100.0	113.3
2	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	105.5	350458.5	7.0	407326.2	6.8	110.1
3	Молия хизматлари	99.6	384954.4	7.7	456575.0	7.6	119.1
4	Транспорт хизматлари	102.3	1018188.0	20.3	1196771.7	19.9	114.9
5	шу жумладан: автотранспорт хизматлари	102.3	952172.7	19.0	1120526.6	18.6	115.0
6	Яшаш ва овқатланиш хизматлари	104.8	151790.9	3.0	189033.7	3.1	118.8
7	Савдо хизматлари	107.8	1771513.8	35.4	2154662.5	35.8	112.8
8	Кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	106.1	173197.6	3.5	209829.0	3.5	114.2
9	Таълим хизматлари	113.2	219167.0	4.4	269853.4	4.5	108.8
10	Соғлиқни сақлаш хизматлари	104.1	82701.7	1.7	92716.0	1.5	107.7
11	Ижара ва прокат хизматлари	106.1	212737.9	4.2	260490.7	4.3	115.4

	<u>Хизмат турлари</u>	<u>Нарх индекси</u>	<u>Жами хизмат, 2015 й. млн.сўм</u>	<u>Жами хизмат, 2015 й. улуши%</u>	<u>Жами хизмат, 2016 й. млн.сўм</u>	<u>Жами хизмат, 2016 й. улуши%</u>	<u>Ўтган йилга нисбатан ўсиши, %</u>
12	Компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	110.2	202932.0	4.1	258930.7	4.3	115.8
13	Шахсий хизматлар	113.0	265575.8	5.3	329646.1	5.5	109.9
14	Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	106.1	28261.9	0.6	34168.2	0.6	113.9
15	Бошқа турдаги хизматлар	105.5	146534.2	2.9	161044.1	2.7	104.1

Манба: Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Самарқанд вилоятида 2015-2016 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожланиши бўйича таҳлилий маълумотларга кўра, вилоятда 2015 йилда жами хизматлар ҳажми 5008013.6 млн. сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 6021047.2 млн. сўмни ташкил қилган, яъни 2016 йилда 113.3% га ўсишга эришилган. Шунингдек, вилоятда маиший хизмат кўрсатиш соҳасида таҳлил этилаётган даврда хизматлар ҳажмининг ўсиши 13.3 % га ошган.

Хизматлар кўрсатиш соҳаси миллий иқтисодиётини тўлдириб турувчи, ёрдамчи соҳадагина эмас, балки аҳолини иш билан таъминлаш, ЯИМ ва экспорт ҳажмини кўпайтиришга имкон берувчи, аҳолини турмуш даражасини оширишни, уларни харажатларини оптималаштирувчи тармоқлар мажмуидир. Шу сабабли ҳам мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилди. Бу соҳаларни янада ривожлантириш, такомиллаштириш ҳозирги замон талабидир.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш миллий иқтисодиётнинг ўзига хос ижтимоий хизмат соҳаларидан бири.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг характерли хусусияти уларнинг ҳаракатчанлиги, яъни воситачиларсиз ўзларининг мижозлари ва буюртмачилари билан бевосита муносабатга киришишлари ҳисобланади.

1.1.2-жадвал

Самарқанд вилоятида 2014-2016 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида амалга оширилган ишлар ҳолати

№	Хизмат турлари	2014 йил		2015 йил		2016 йил	
		Ҳажми, млн сўм	Ўсиши, %	Ҳажми, млн сўм	Ўсиши, %	Ҳажми, млн сўм	Ўсиши, %
	Жами хизматлар <i>шу жумладан:</i>	4615585,8	118,5	5920301,8	119,5	7634364,3	119,7
1	алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	278531,3	119,0	303931,0	120,0	331860,8	120,1
2	Компьютерли программалаштириш хизматлари	1650,1	117,5	1959,1	118,5	2334,1	118,9
3	Молия хизматлари	325209,7	117,5	387134,8	119,0	460675,2	119,0
4	Транспорт хизматлари	867331,8	119,0	1073838,0	119,0	1331435,5	119,2
5	Қурилиш хизматлари	170322,7	119,0	207495,4	120,0	252873,8	120,1
6	Технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари	14840,0	119,0	18011,5	120,1	21865,9	120,1
7	Қишлоқ хўжалигида таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари	1516,9	118,0	1884,5	120,0	2346,2	120,3
8	Туристик хизматлар	42679,1	120,0	53076,7	120,0	66258,6	120,5
9	Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	1299726,4	119,5	1723177,4	119,5	2289777,3	119,8
10	Маиший хизматлар	314871,4	117,0	381571,1	119,0	461907,9	118,9

11	Таълим хизматлари	212372,4	118,2	303644,3	119,0	433756,1	118,9
12	Соғлиқни сақлаш хизмати	59874,8	117,2	71128,9	117,7	84529,1	117,8
13	Қишлоқ хўжалиги хизматлари	33681,4	104,1	37612,1	104,6	42204,8	105,1
14	Бошқа хизматлар	992977,8	116,8	1355836,8	120,2	1852539,1	120,3
	Аҳоли жон бошига кўрсатиладиган хизмат	1332,1		1681,9		2135,5	

Манба: Самарқанд вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

1.1.3-жадвалнинг таҳлилий маълумотларига кўра, Самарқанд вилоятида қишлоқ жойларида маиший хизматлар 2014-2016 йиллар мобайнида 1.25 баробарга ўсган ҳолда, мазкур кўрсаткичнинг жами маиший хизматлар ҳажмидаги улуши таҳлил этилаётган даврлар оралиғида номутаносиб ривожланиш тенденциясига эга. Масалан, бу кўрсаткич 2014 йилда жами хизмат кўрсаткичларига кўра 13.7 %ни, 2015 йилда 15.7 %ни ва 2016 йилда 19 %ни ташкил этган (1.1.3-жадвал).

2014 ва 2016 - йилларда қишлоқ жойларни жами маиший хизматлар ҳиссаси қисман кўпайиб боришини ижобий баҳолаша бўлади.

Ўзбекистонда аҳолига тақдим этилаётган маиший хизматлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- оёқ кийимини таъмирлаш ва тайёрлаш;
- тикув, муйна ва чарм маҳсулотлар, бош кийим ва тўкимачилик - атторлик маҳсулотларини таъмирлаш ва тайёрлаш, трикотаж маҳсулотларини таъмирлаш ва тайёрлаш;
- турар жойларни (хонадонларни) аҳоли буюртмаси бўйича таъмирлаш ва қуриш;
- маиший техника ва ускуналарни, соатларни таъмирлаш, заргарлик маҳсулотларини таъмирлаш ва тайёрлаш, радиоэлектрон аппаратура, компьютерлар, телевизорлар, магнитофонлар, мусиқа товарларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;

- фукароларга тегишли бўлган транспорт воситаларини (енгил машиналар, мотоцикллар ва х.к.) таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш;
- мебель тайёрлаш ва таъмирлаш;
- кимёвий тозалаш ва буяш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хомашёни қайта ишлаш хизматлари, қолган қишлоқ хўжалик хизматлари;
- фотоателье ва фотолаборатория хизматлари, шунингдек, овоз ёзиш хизматлари;
- сартарошхоналар хизматлари.

Ҳозирги кунда маиший хизмат кўрсатиш бўйича фаолият Ўзбекистон Республикасида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш коидалари билан тартибга солинади.

Маиший хизмат кўрсатиш фаолиятини тартибга солишнинг меъёрий усуллари вазифаларига ижтимоий меъёрларни ишлаб чиқиш киради. Кўпгина илмий ишларда уларни ҳудудий даражада ишлаб чиқариш ва жорий этиш зарурати асослаб берилади. Лекин бу ҳолатда ижтимоий меъёрларнинг ишлаб чиқилмаслиги ҳудудий даражада келгусида соҳанинг ривожланиши учун тўсқинлик килади.

Бундай ижтимоий меъёрларнинг кенг миқёсида жорий қилиниши аҳолига маиший хизмат кўрсатиш таъминотининг меъёрлари сифатида мазкур соҳанинг белгиланган даражада ривожланишига ёки макбўл чегарада эҳтиёжларни тўлиқ қондиришни ҳисобга олишга мувофиқ келишини таъминлайди.

1.2. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда хорижий давлатлар тажрибаси.

Ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар иқтисодиётида рўй бераётган туб ўзгаришлар хизмат кўрсатиш ва сервис тушунчасига ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан янгича ёндашувни зарурат этмоқда. XX асрнинг сўнгги йилларидан бошлаб хорижий адабиётларда хизмат кўрсатиш фаолияти самарадорлиги кўрсаткичларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилишга кенг кўламда киришилди.

Шундай қилиб, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиб бориши инсонлар моддий фаровонлиги ва турмуш сифатини ошишига олиб келди. Маълумки, XIX асрнинг охирларида Э.Энгель томонидан аҳоли даромадини ўсиши билан истеъмол таркибини ўзгаришини статистик жиҳатдан боғлиқлигини асослаган эди. Э.Энгельнинг қондасига кўра, аҳолининг турмуш шароити ва даромадлари даражаси қанчалик юкори бўлса, истеъмолчи сарфининг катта қисмини юкори сифатли товарлар ва хизматларга сарфланади. Яъни, аҳолининг фаровонлиги ва даромадлари қанчалик юкори бўлса, улар оилавий бюджетининг кам қисмини озиқ-овқат маҳсулотларига, кўп қисмини эса сервис хизматларига сарфлашади. Ривожланган мамлакатларда оилавий бюджетнинг 18-20% и озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмолига, 35-40%и эса хизматларга сарфланади.

Хусусан, турли хил товар ва хизматларга тўлов қобилиятини даромадга нисбатан эгилувчанлик коэффиценти ва бошқа йўналишдаги тадқиқотлар.

Масалан, В.Фьюкс 1968 йилда хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш сабабларидан бири сифатида саноат ва қишлоқ хўжалигига нисбатан хизмат кўрсатиш соҳасида унумдорликни паст даражада ўсиши деб ҳисоблайди. В.Фьюкс томонидан, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан бандлик тақсимоти аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулот билан чамбарчас боғлиқ деган фикри ўз тасдиғини топмоқда.

Хорижий иқтисодий адабиётларда миллий хўжаликларнинг алоҳида тармоқларида унумдорлик (самарадорлик) даражасидаги фарк XX асрнинг 70 йилларидан тадқиқот предмети бўла бошлаган. Уша даврдаёқ капитал сиғимининг юкорилиги билан ажралиб турадиган (саноат ва қишлоқ хўжалиги) иқтисодиёт секторларига нисбатан жонли меҳнати кўп бўлган тармоқларда (хизмат кўрсатиш) унумдорлик юкорилиги тан олинган. Бу ҳақида В.Баумоль, С.Блекмен ва Е.Вольфлор ўз тадқиқотларида тўхталиб ўтишган. 1987 йилда Р.Солоу томонидан ишлаб чиқилган «Унумдорлик парадокси» га кўра компьютер технологиялари учун қилинган инвестиция ҳажмининг ўсиб бориши, унга мос ҳолда хизмат кўрсатиш соҳасида унумдорликни ошишига олиб келмаган.

У таъкидлайдики, агарда қишлоқ хўжалиги ҳиссаси даромадларга талаб эластиклиги фарқи билан тушунтирилса, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзгаришлар учинчи сектор (хизмат кўрсатиш)ни биринчи (қишлоқ хўжалиги) ва иккинчи (саноат) секторга нисбатан паст унумдорлик даражаси билан ифодаланади. Бу ҳақида саноатда ялпи омилли унумдорлик ўсиши ва хизмат кўрсатиш секторини ривожланиши ўртасидаги юқори корреляция коэффиценти мавжудлигидан далолат беради. Осиё унумдорлик ташкилоти ҳисобларига кўра, Осиёнинг бир қатор мамлакатларида ушбу корреляция коэффиценти қуйидагича:

1.3.1- жадвал

Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиши ва саноатда унумдорликнинг ўсиши ўртасида корреляциянинг боғлиқлиги

Мамлакат	Корреляция коэффиценти
Жанубий Корея	0,82
Таиланд	0,62
Малайзия	0,59
Япония	0,95

Унинг таъкидлашича, XX асрнинг 80 йилларида АҚШда компьютер технологиялари учун қилинган инвестиция 1 трлн. АҚШ долларини ташкил қилган, унинг 85%и хизмат соҳасига йўналтирилган, аммо бу соҳада меҳнат унумдорлигининг йиллик ўсиши 1%ни ташкил этган. 90 йилларда эса АҚШ саноатида унумдорликнинг ўсиш суръати 3%ни умуман иқтисодиёт бўйича унумдорлик 1,1%ни ташкил қилган. Ушбу манба асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, унумдорликнинг умумий кўрсаткичини паст бўлишига учинчи сектордаги (хизмат кўрсатишда унумдорлик даражасини пастлиги сабабдир. Сервис фаолияти соҳасида унумдорлик даражаси пастлиги сабабини қуйидагича тушуниш мумкин. Бир томондан хизматлар юқори технологияли капитал ва интенсив билим талаб қиладиган тармоқларни ўзида мужассамлаштиради, иккинчи томондан, паст технологияли ва кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларни ўзида мужассамлантиради. Шунингдек, хизмат соҳасида юқори малакали ва юқори иш

ҳақи оладиган ишчилар ҳам, паст иш ҳақи оладиган ишчилар ҳам меҳнат қилади. Бу ҳол албатта унумдорлик даражасини пастлигига таъсир қилади. Хизматларнинг турли-туманлиги ва хилма-хиллигини Дж.Зингельман томонидан эътироф этилган ва у хизматларни ишлаб чиқариш, истеъмол, ижтимоий ва тақсимот хизматларига таснифлаган.

(1.3.2-расм)



1.3.2-расм. Дж. Зингельманнинг хизматларни таснифлаш тузилмаси

Дж. Зингельман томонидан таснифлаган хизмат турларининг ҳар бир тури, ўз навбатида, ўзининг мураккаб таснифига эга. Мисол учун, банкларнинг, тиббиётнинг, маиший хизматнинг бир неча юз турлари мавжуд. Шунинг учун ҳам бир хизмат доирасида бир неча фарқланувчи белгилари бўлиши мумкин. Хусусан, тиббиёт хизмати бир вақтнинг ўзида юқори малакадаги касбий тайёргарликни талаб қилувчи капитал интенсив кўринишдаги (мисол учун компьютер диагностикаси ва турли аппаратлар билан даволаш) ва юқори меҳнат талаб қилмайдиган меҳнат интенсив (мисол учун, жаррохлик аралашуви, ташхис қўйиш) кўринишидаги хизматларни ўз ичига камраб олади.

Шунинг учун ҳам хизматларни хаддан ташқари хилма хиллиги сабабли бир тармоқ ичида фан техника тараққиёти моддий ишлаб чиқаришга нисбатан хизмат соҳасига паст таъсир кўрсатади.

Сервис фаолияти самарадорлик кўрсаткичи пастлигининг яна бир сабаби сифатида моддий ишлаб чиқариш соҳасига нисбатан хизмат соҳасида банд бўлган ходимлар меҳнат ҳақининг пастлигидир. Аммо хизматларнинг баъзи турларини кўрсатувчи ходимлар меҳнат ҳақи, моддий ишлаб чиқариш ходимларига нисбатан анча юкори (мисол учун, инженеринг, консалтинг, молия, суғурта ва хоказолар).

1990-2005 йиллар мобайнида АҚШ хизмат соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи саноат ходимлари иш ҳақининг 67%ини ташкил этган. Японияда хизмат соҳаси ходимининг иш ҳақи, саноатчиларга нисбатан 7% га, Германияда - 15%га кам. Бундан ташқари 1960 йилларда АҚШда учинчи секторда (хизмат соҳасида) банд бўлган бир ишчига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми саноат ходими ишлаб чиқаришининг 77,5%ни ташкил этди. 1992 йилда бу кўрсаткич 69,4%ни ташкил этган. Шу вақт оралиғида ушбу секторда меҳнат унумдорлиги 0,35% га камайиб борган. Шундай қилиб, иқтисодиётнинг умумий таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг ролини ошиб боришига қарамай, бу соҳа узок вақт мобайнида статистик жиҳатидан кам унумли (кам самарали) ҳисобланган.

Шу билан биргаликда ХХІ асрнинг бошларидаги статистик маълумотларга эътибор берсак, 1994 йилга қадар, ҳақиқатдан ҳам унумдорлик кўрсаткичи паст даражада бўлган, аммо 1995 йилдан бошлаб, ривожланган бозор иқтисодиётли мамлакатларда сервис фаолияти унумдорлиги барқарор ўса бошлади. Хусусан, Б.П.Босворт ва Д.У.Трипплетт тадқиқотлари маълумотларига кўра, 1977 йилдан 1995 йилга қадар хизмат соҳасида ялпи омилли унумдорлик ўртача 1% йиллик ўсишни ташкил этган. 1995 йилдан 2005 йилга қадар бу кўрсаткичнинг йиллик ўсиши 2,2 - 2,9 % ни ташкил этди⁴⁴.

Ҳозирги вақтда хориж тадқиқотчилари «Р.Солоу парадокси»нинг ечимини тушунтирувчи бир неча гипотезаларни илгари суришмоқда. Биринчидан энг кўп

тарқалган вариант сифатида унумдорлик статистикасини номукамаллиги эътироф этилади. Бундай фикрни Р.Солоу илгари сурган. Иккинчидан, кенг тарқалган вариантлардан яна бири амал қилаётган моддий ишлаб чиқариш ўзагида «сервис хизматлари»ни тўлиқ ҳисобга олмаслик ҳисобланади. Хусусан, «Дж.Зингельман»нинг ишлаб чиқариш хизматлари шулар жумласига киради. Германия миллий хўжалиги институти маълумотларига кура 1990 йилларнинг бошларида саноат ишлаб чиқаришида сервис хизмат турларининг ҳиссаси 80,6%ни ташкил этган. Жумладан ахборот - таълим хизматлари 11,6%ни, бошқарув хизматлари 6,11%ни, илмий тадқиқотлар 4,9%ни ташкил этган. Учинчидан «Солоу парадокси» тушунтириш илгари амал қилган бошқа ухшаш тадқиқотлар орқали ҳам тушунтириш мумкин.

Бунга «Дэвиднинг кейинга қолдириш гипотезаси» мисол бўла олади. Шунингдек «Солоу парадокси»нинг турли таҳлилий ечимини амал қилишига қарамасдан ҳозирги вақтда улардан ҳеч бири шубҳасиз тўғри деб тан олинмаган. Аммо саноати ривожланган мамлакатларда хизмат соҳасида унумдорлик ўсиш суръати статистикаси ҳозирги вақтда сервис фаолиятини унумдорлигини (самарадорлигини) барқарор усаётганидан далолат беради.

Баъзи ҳолларда (масалан, Норвегиада) хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат унумдорлигининг ўсиш сурати саноатдагига нисбатан бир мунча юқорилигини таъкидлаш мумкин. Юқоридаги маълумотлар «Дэвиднинг кейинга қолдириш гипотезаси»ни, яъни вақт утиши билан меҳнат унумдорлигини ўсиш суръатини жадаллашувини асослашга хизмат қилади.

Хизмат кўрсатиш тармоқларида меҳнат унумдорлигини ўсиш суръати статистикаси маълум бир қизиқиши уйғотади. XX асрнинг 80 йиллариданок хориж тадқиқотчилари ЯИМ ҳажмида хизматлар ҳиссасининг ўсишини ва постиндустриал жамиятда юқори технологияли тармоқлар керакли даражада айрим хизмат кўрсатиш жараёнида меҳнат унумдорлигини юқори бўлмаслигини талкин этишга ҳаракат қилишган. 1985 йилда Л.Саммерс томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, хизмат кўрсатиш соҳасини турли-туманлиги ушбу соҳага илмий техника тараққиёти ютуқларини бир хилда жорий

этилмаслигини ва шунга мос ҳолда унумдорликни (самарадорликни) ўсиш суръати турличалигини кўрсатган. Баъзи ривожланган мамлакатларда улгуржи ва чакана савдо, транспорт, алока, молиявий хизматларда унумдорлик даражасини сезиларли ошганлигини куришимиз мумкин. Бунда маълум бир қонуниятни, яъни Дж.Зингельманнинг ишлаб чиқариш ва таксимот хизматларида унумдорликнинг юкори бўлиши қонуниятини амал килаётганлигини кўрсатишимиз мумкин. Шунингдек кейинги вақтларда унумдорликнинг ўсиш суръатини юкорилигини телекоммуникация ва алока тармоқларида куришимиз мумкин. Хусусан, кейинги беш йил ичида бу тармоқларда унумдорлик Германияда 18%, Норвегияда 17%ни ташкил этган. Дж.Зингельманнинг таснифи бўйича истеъмол ва ижтимоий хизмат турларида унумдорликни бир мунча паст даражада бўлганлигини куришимиз мумкин. Масалан, ресторан ва меҳмонхона хизматлари бу давр мобайнида Германияда 4,8%, Францияда 3%, Норвегияда 6% бўлган. Мавжуд бундай қонуниятни қуйидагича изохлаш мумкин. Истеъмол ва ижтимоий хизмат соҳаларида бошқа соҳаларга нисбатан унумдорликни паст даражасини ушбу хизматдаги хусусиятлар ва уларга ИТТ ни таъсир кўрсатиш имкониятларини чегараланганлиги билан изохлаш мумкин. Д.Треплет ва Б.Босвортларнинг таъкидлашича ИТТнинг таъсири асосан хизмат соҳасининг беш тармогига, яъни молия хизмати, улгуржи ва чакана савдо хизмати, ишблармонлик хизматлари, сугурта ва коммуникация тармоқларида интенсив таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида бу соҳаларни ривожлантириш мақсадида йирик ҳажмдаги инвестициялар йуналтирилмоқда. Масалан, АҚШда жами инвестицияларнинг 50%и хизмат соҳасига йуналтирилади ёки ҳар йили уртача 220 млрд АҚШ доллари миқдоридаги маблағ хизмат соҳасига йуналтирилади.

Шундай қилиб, барча хизматлар меҳнاتини капиталга (унумли) алмаштириш лаёқатига эга бўлган ФТТи ютуқларини бир хилда қабул қилиш хусусиятига эга эмас, бу эса ўз навбатида самарадорликка ўз таъсирини кўрсатади. Шу билан биргаликда истеъмол ва ижтимоий хизматлар самарадорлигининг пастлигининг бир қанча сабаблари мавжуд. Бир қатор

анъанавий хизматлар (меҳмонхона хизмати, умумий овқатланиш, маиший хизматлар ва бошқалар субъектив хусусиятга эга) стандартлаштириш ва техникалашга мос келмайди. Баъзи (хизматлар, масалан, соғлиқни сақлаш ИТТи ютуқларини тез қабул қилса ҳам, улар кўпроқ истеъмолчининг хоҳиш-истагига, хизмат даражасига боғлиқдир.

Агар улар паст даражада бўлса, бу ҳол ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиш суръатига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун, хизматнинг бу турларида унумдорлик даражасини оширишга ахборот-технологиялари унчалик катта ижобий таъсир кўрсатмайди.

Истеъмол ва ижтимоий хизматларда унумдорлик даражаси паст бўлиши муайян кийинчиликларни, хусусан, хизмат соҳасида банд бўлганлар меҳнат ҳақи ва унумдорлиги нисбатида муаммоларни келтириб чиқаради. Хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнат ҳақини унумдорликка боғлиқ ҳолда ўсишини таъминлаш кийинчилигини биринчи марта ҳар тарафлама таниқли иқтисодчи олим В.Баумоль томонидан таҳлил қилинган. У ўз ғоясини ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари уртасида доимий тарзда иш ҳақи даражасини бир хилда ушлаб туриш механизми билан асослайди. Унинг фикрича, хизматларга нисбатан ишлаб чиқаришда унумдорлик даражаси бир мунча тезроқ ўсиб боради. Хизмат кўрсатиш соҳасида иш ҳақи даражаси моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги унумдорлик кўрсаткичларига асосланади ва унга бевосита боғлиқдир. В.Баумоль хизматларнинг турли-туманлиги уни умумлаштиришни кийинчилигини эътироф этиб, бу соҳани унумдорлик даражасига қараб уч категорияга ажратади:

- ҳаракатсиз индивидуал хизматлар;
- ўзига хос хусусиятга эга прогрессив хизмат кўрсатиш;
- асимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизмат кўрсатиш.

Бизнинг фикримизча, бундай ёндашув самарали бўлиб, хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлик муаммоларини тадқиқ қилишда кенг имкониятларни юзага келтиради. Шунинг учун уни тўлиқроқ тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. В.Баумоль томонидан ажратиб кўрсатилган биринчи категория, яъни ҳаракатсиз индивидуал хизматлар - ўзига шундай хизматларни бирлаштирадиги, унда

унумдорлик (самарадорлик) ошмайди. Бундай хусусият ушбу хизматларнинг табиатидан келиб чиқади (масалан, персонал ҳарактердаги шахсий хизматлар).

Унинг иккинчи категория хизмати ўзига хос хусусиятга эга, прогрессив хизмат кўрсатиш - ўз таркибига мижозни иштирок этишини талаб қилмайдиган хизматларини бирлаштиради: масалан, банкда пулни сақлаш хизмати. Хизматнинг бу турида мижоз икки ҳолатда иштирок этиши мумкин, яъни, шартнома тузишда ва шартнома муддати тугаганда, бошқа ҳолатларда мижоз хизмат жараёнида иштирок этмайди. Шунингдек, бу категория хизматларига шундай хизматлар қирадики, уларни кўрсатишда машиналар ва асбоб ускуналар салмоқли рол уйнайди. Бундай хизматлар мижознинг иштирокини умуман талаб этмайди ҳамда уларда жонли меҳнат сарфини камайтириш учун машина ва механизмларни киритиш имконияти катта. Шундай қилиб, ўзига хос хусусиятга эга проогрессив хизмат кўрсатиш учун унумдорлик (самарадорлик)ни ўсиш ҳарактерли жараёндир.

В.Баумольни учинчи категорияли хизмати - ассимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизмат кўрсатиш деб номланиб, унда биринчи ва иккинчи категория хизматларини ҳарактерли хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради. Бундай хизматларга маълумотларни қайта ишлаш бўйича хизматлар қиради. Бу хизматларнинг икки асосий ресурслари мавжуд: техника ва дастур таъминоти. Биринчи компонент иқтисодиётни прогрессив сектори маҳсулоти (иқтисодиётда техника киймати технологиялар ва унумдорликни ўсиш билан пасайиб боради). Иккинчи компонент - ҳаракатсиз сектор маҳсули бўлиб, унинг сарф ҳаражатлари ўсиб бориш хусусиятига эга.

Бу категория хизматининг ўзига хос муҳим хусусияти - ўзининг ҳаётий циклининг дастлабки даврида ҳаракатларнинг пастлиги ва унумдорликнинг ўсишининг юқорлигидир. Аммо дастлабки даврда унумдорликнинг ўсиши қанчалик юқори бўлса, у кейинчалик шундай тез пасаяди. Демак, вақт утиб бориши билан ассимптотик ҳаракатсиз хизматларни кўрсатишда ҳаражатларни ўзгариб бориши рўй беради. Масалан, сартарошхона хизматини йўлга қуйишнинг дастлабки даврида асосий воситалар ва асбоб - ускуналарга катта сарф

ҳаражатлар килинади (яъни биринчи компонент учун), сартарош меҳнат ҳақи бўйича сарфлар (иккинчи компонент) эса минимал ҳолда бўлади. Вақт ўтиши билан ишлаб чиқаришдаги капитал қўйилмалар ўзини оқлай бошлайди, сартарош эса ўзининг меҳнат ҳақини оширишни талаб қила бошлайди.

В.Баумольнинг ассимптотик ҳаракатсиз хизмат кўрсатиш категориясини ва Дж.Зингельманнинг таснифи билан ўзаро боғлиқлиги ҳақида гапирганда, қуйидагини эътироф этиш, яъни мазкур категория хизматларига Дж. Зингельманнинг истеъмол ва таксимот хизматларини киритиш мумкин. Хусусан, истеъмол хизматлари (ресторан, меҳмонхона, маиший хизматлар) кўп ҳолларда паст компонентли ассимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизматларни ташкил қилади. Шунингдек, Дж. Зингельманнинг таснифи бўйича таксимот хизматлари (транспорт, алоқа савдо) В.Баумоль таснифи бўйича юкори компонентли ассимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизматларни ташкил этади. Улар учун ИТТнинг таъсири кучлимас, истеъмолчиларни жалб қилиниши пастлиги, хизмат жараёнида оммавий ишлаб чиқариш ва стандартлашнинг юкорилиги каби хусусиятлари ҳосдир.

Бизнинг фикримизча, хорижий адабиётларни ўрганиш ва сервис фаолияти унумдорлиги (ресурс-сарф ёндашуви) нуқтаи назаридан кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

1. Сервис фаолияти унумдорлиги (ресурс-сарф ёндашуви бўйича самарадорлик)ни ўсиш даражасининг турличалиги хизматлар кўрсатиш жараёнида ИТТнинг таъсирини ҳар-хиллиги, истеъмолларни хизматлар истеъмолига жалб қилиниш даражаси билан асосланади.

2. В. Баумоль томонидан унумдорликнинг ўсиш даражасига боғлиқ хизматларни уч категорияга: ҳаракатсиз (инерт) индивидуал хизматларга, ўзига хос хусусиятига эга прогрессив хизмат кўрсатишга, ассимптотик ҳаракатсиз индивидуал хизмат кўрсатишга ажратилган. Тадқиқот жараёнида В. Баумоль хизматлар таснифи билан Дж. Зингельман таснифининг ўзаро боғлиқлиги илмий жиҳатдан асосланди. Хусусан, унумдорлик ўсиш даражаси (самарадорлик) прогрессив хизматлар категорияси ишлаб чиқариш хизматлари билан кўпроқ

аҳамият касб этади. Ҳаракатсиз индивидуал хизматлар ижтимоий хизматлар таркибида камрок хусусиятга эга. Ассимтотик ҳаракатсиз хизматлар эса кўпрок хилма-хилликга эга бўлиб, бунда унумдорлик (самарадорлик) даражаси прогрессив компоненти юкори бўлган хизматлар хиссасига боғлиқ. Бундай хизмат турларига истеъмол ва таксимот хизматлари ҳам тегишли.

3. В. Баумоль хизматлар категориясини хизматларларнинг шундай хоссалари, яъни хизматларни автоматлаштириш даражаси, хизмат кўрсатиш жараёнига истеъмолчиларни жалб қилиш ва хизмат жараёнига техник-муҳандислик ва ИТТнинг таъсири билан тавсифлаш мумкин.

4. Сервис фаолиятида самарадорлик (унумдорлик) кўрсаткичлари статистикасини урганиш орқали шундай хулоса қилиш мумкин: бир неча категориядаги хизматларни самарадорлигини баҳолашда ресурс-сарф ёндашуви самарадорлик ҳақида бир мунча тор тасаввурни беради, чунки у фақат иқтисодий томонини ёритади. Бу хол баъзи хизмат категорияларида унумдорлик кўрсаткичларини аҳамияти пасайишини асослайди. Шундай қилиб, хорижий тадқиқотчиларнинг тажрибаси сервис фаолиятининг баъзи турлари самарадорликни баҳолашда ресурс-сарф ёндашувидан фойдаланишнинг чегараланганлигидан далолат беради ва шунинг учун ҳам унинг (сервис хизматларини баъзи турларини) самарадорлигини баҳолашда янгича комплекс ёндашувнинг долзарблигини келтириб чиқаради.

II-боб. Самарқанд вилоятида маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари.

2.1. Самарқанд вилоятининг 2016-йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланишида хизматлар ҳолати ва уларнинг тавсифи.

Самарқанд вилояти 1938 йил 15 январда ташкил топган. Вилоятнинг умумий ҳудуди ва ер майдони 16,8 минг км², 2015 йил 1 январ ҳолатидаги доимий аҳоли сони 3514,8 минг киши, шундан: шаҳар жойларда 1336,8 минг киши, қишлоқ жойларда эса 2177,9 минг киши, чегарадош вилоятлари Жиззах, Навоий, Кашқадарё, чегарадош давлат эса Тожикистон ҳисобланади.

Ташкил топган вақти 1938 йил 15 январ

Умумий майдони 16,8 минг км'

Вилоят бўйсинувидаги шаҳарлар сони 2 та

Туман бўйсинувидаги шаҳарлар сони 9 та

Шаҳар типдаги посёлкалар (шаҳарчалар) сони 88 та

Маҳалла фуқаролари йиғинлари сони 1075 та

Қишлоқ фуқаролари йиғинлари сони 125 та

2016 йил 1 январ ҳолатидаги доимий аҳоли сони 3514,8 минг киши

Тошкентгача бўлган масофа 300 км

Чегарадош вилоятлар Жиззах, Навоий, Кашқадарё

Чегарадош Давлатлар Тожикистон

Қуйидаги 2.1.1-жадвал маълумотларида 2016 йилда Самарқанд вилоятида ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳолати келтирилган бўлиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган 2015 йилга нисбатан 9.4 % га ўсиб, 7864,7 млрд. сўмни ташкил қилган. Истеъмол моллари 2015 йилга нисбатан 12,1%га ўсиб, 5132,6 млрд. сўмни ташкил қилган.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ҳам жадвалда келтирилган бўлиб, 2015 йилга нисбатан ўсиш суръати 10,6 % бўлиб, 3362,2 млрд. сўмни ташкил қилган. Пудрат қурилиш ишлари 2015 йилга нисбатан 15,7 %га ўсиб, 2497,1 млрд. сўмни ташкил қилган.

**Самарқанд вилоятида 2016 йилда асосий ижтимоий-иқтисодий
кўрсаткичлар**

№	Асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар	Млрд. сўм	2016 йил январь-декабрга нисбатан фоиз ҳисобида
1	Ялпи ҳудудий маҳсулот	14060,4	108,7
2	Саноат маҳсулоти	7864,7	109,4
3	Истеъмол товарлари	5132,6	112,1
4	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	5781,8	107,3
5	Асосий капиталга киритилган инвестициялар	3362,2	110,6
6	Қурилиш ишлари	2497,1	115,7
7	Юк айланмаси млн. тн-км	2428,4	107,8
8	Йўловчи айланмаси млн. йўловчи-км	4981,4	93,6
9	Чакана товар айланмаси	7525,8	113,8
10	Хизматлар, жами	6021,0	113,3
11	Ташки савдо айланмаси млн. АҚШ долл.	1194,8	115,2
12	Экспорт	456,4	135,6
13	Импорт	738,4	105,3
14	Сальдо (+;-)	-282,0	х


Вилоятнинг Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳам келтирилган бўлиб, 2015 йилга нисбатан ўсиш суръати 8,7 % бўлиб, 14060,4 млрд. сўмни ташкил қилган. Вилоятда жами хизматлар ҳажми ҳолати эса ўтган 2015 йилга нисбатан 13,3 %га ўсиб бу кўрсаткич 2016 йилда 6021,0 млрд. сўмни ташкил қилган.

Қуйидаги 2.1.1-расмда Самарқанд вилоятида 2016 йил январь-декабрида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари алоҳида диаграммада кўрсатилган бўлиб, унда асосий устунлик 35,8 % эвазига савдо хизматларига тўғри келган, ундан кейин транспорт хизматлари 19,8 %ни ташкил

этиган. Бунда маиший хизматлар бошқа хизматлар таркибига киритиб ҳисобланган.

2.1.1-расм.

**2016 йил январь-декабрида бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг
иқтисодий фаолият турлари қуйидагича:**



2.1.2-жадвал

**2017 йил 1 январ ҳолатига доимий аҳоли сони
(минг киши)**

	Жами аҳоли	шу жумладан:	
		шаҳар аҳолиси	қишлоқ аҳолиси
Вилоят бўйича:	3651,5	1 372,8	2278,7
шаҳарлар:			
Самарқанд	524,0	524,0	-
Каттакўрғон	86,1	86,1	-
туманлар:			
Оқдарё	149,6	59,8	89,8
Бўлунғур	175,5	39,6	135,9
Жомбой	159,1	36,3	122,8
Иштихон	237,1	66,0	171,1
Каттакўрғон	256,6	49,6	207,0
Қўшработ	123,0	12,1	110,9
Пайариқ	234,2	69,6	164,6
Пастдарғом	332,0	88,6	243,4
Пахтачи	136,4	27,1	109,3
Самарқанд	236,9	14,2	222,7
Нарпай	201,6	61,6	140,0
Нуробод	141,2	16,6	124,6
Тайлоқ	187,9	22,8	165,1
Ургут	470,3	198,8	271,5

2.1.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида 2017 йил январ ҳолатига жами доимий аҳоли сони 3651,5 минг кишини ташкил этган бўлиб, шаҳар ва туманлар кесимида қуйидагича: Самарқанд шаҳрида

жами аҳоли сони 524,0 минг киши, Каттақўрғон шаҳрида 86,1 минг киши, Бўлунғур туманида 175,5 минг киши, Жомбой туманида 159,1 минг киши, Иштихон туманида 237,1 минг киши, Каттақўрғон туманида 256,6 минг киши, Қўшробод туманида 123,0 минг киши, Нарпай туманида 201,6 минг киши, Нуробод туманида 141,2 минг киши, Окдарё туманида 149,6 минг киши, Пайариқ туманида 234,2 минг киши, Пастдарғом туманида 332,0 минг киши, Пахтачи туманида 136,4 минг киши, Тайлоқ туманида 187,9 минг киши, Ургут туманида 470,3 минг киши, Самарқанд туманида 236,9 минг кишини ташкил этади. Самарқанд вилояти жами доимий аҳолисининг 1 372,8 минги шаҳар аҳолиси, 2278,7 минги эса қишлоқ аҳолиси ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, хизмат соҳасини ривожлантириш, бандлик муаммосини айникса, хотин-кизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилаларнинг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имконияти яратади. Бу биринчидан, аҳолини иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз бозорини хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали аҳолининг турмуш даражасининг ошишига сабаб бўлади.

2.2. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий кўрсаткичлари динамикаси.

Шуни эътироф этиш керакки, иқтисодий кўрсаткичлардан, унинг таркибий қисми бўлган самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлардан иқтисодий адабиётларда ва амалиётда кенг фойдаланилганига қарамасдан, унинг тушунчаси ва таърифи ҳақида етарли даражада ёритилмаган. Буларни инобатга олиб, иқтисодий кўрсаткичлар тўғрисидаги тадқиқотни кўрсаткичнинг тушунчасини ва таърифини беришни лозим деб топдим. М.Қ.Пардаев томонидан келтирилган қуйидаги таърифни келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдик. "Иқтисодий кўрсаткичлар деганда, иқтисодий жараёнлар, ҳодисалар ва уларнинг натижасини миқдор ва сифат жиҳатдан ифодаладиган номи ва ўлчамларига эга бўлган бирликлар тушунилади" дейилган. Ушбу

таърифни такомиллаштирган ҳолда иқтисодий кўрсатишга бугунги кун нуқтаи назаридан келиб чиқиб, қуйидаги таърифни берамиз. Иқтисодий кўрсаткич деганда жамиятда ва унинг ҳар бир бўғинида (хўжалик юритувчи субъектида) содир бўлган, бўлаётган ва бўладиган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни рақамларда ифода этувчи маълум категориянинг номи билан аталувчи тушунчага айтилади.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг жами ҳажми 2015 йили 2905,7 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 3243,0 млрд сўмни ташкил этди.

2016 йилда Самарқанд вилоятида ЯХМ нинг 78 % ини кичик бизнес субъектлари ташкил этган, аҳолига жами хизматлар кўрсатиш соҳасида кичик бизнес улуши 75,8 % ни, пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида эса 65,3 %ни ташкил этган. 2016 йил январь-декабрда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 6021,0 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 2258,9 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 37,5 фоизини ташкил қилди. 2015 йил январь-декабрга нисбатан ушш 113,3 фоизни ташкил этди.

Вилоятда аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 2135,5 млн. сўмни ташкил этган. Самарқанд вилояти бўйича жами маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг сони 30734 тани ташкил этган бўлиб, таҳлил жараёнларидан келиб чиқиб Жомбой туманида 20,4 минг сўмни ташкил этган. Орадаги фарқ эса деярли 11 баробарни ташкил этмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ- 1957-сонли қарори айнан қишлоқ жойларда маиший хизмат турлари ва ҳажмини ошириш орқали аҳоли жон бошига маиший хизмат кўрсатиш ҳажмини оширишга қаратилган.

Самарқанд вилояти маиший хизмат корхоналари туманлар ва шаҳарлар кесимида (1-январ 2016 йил ҳолати)

2.2.1-жадвал

Т/р	Маиший хизмат турлари	Вилоят шаҳар ва туманлар тартиб рақамларида															
	Худудлар	Самарқанд шаҳри	Каттақўрғон шаҳри	Бўлунгур тумани	Жомбой тумани	Иштихон тумани	Каттақўрғон тамани	Нарпай тамани	Нуробод тумани	Оқдарё тумани	Пайариқ тумани	Пастдарғом тумани	Пахтачи тумани	Самарқанд тумани	Тойлоқ тумани	Ургут тумани	Қўшрабoт тумани
	Вилоят бўйича жами 30734	1311	452	262	220	599	261	471	416	283	499	509	130	268	284	750	345
1	Сартарошхоналар	184	66	55	42	61	74	78	49	49	72	150	57	75	67	125	47
2	Ўзаллик салонлари	117	19	23	15	31	12	45	14	12	38	58	23	30	22	38	10
3	Кимёвий тозалаш ва бўйаш	3	2	0	0	1	0	1	1	1	3	0	0	1	0	1	0
4	Ксерокопия	147	106	2	14	33	26	68	19	25	36	35	9	8	19	54	15
5	Суратхона	49	20	2	5	25	8	8	24	7	16	8	2	11	5	23	16
6	Ҳаммом	12	4	3	3	2	2	1	18	1	12	9	0	3	4	3	3
7	Соатларни таъмирлаш	24	3	7	0	7	3	9	7	1	0	9	0	5	4	3	3
8	Пойафзал тикиш ва таъмирлаш	69	47	53	24	76	29	35	25	34	50	25	18	11	8	75	43

9	Кийим тикиш ва таъмирлаш	115	34	70	29	89	11	91	98	30	46	23	8	18	14	143	43
10	Маиший техникаларни таъмирлаш	151	12	5	3	31	11	19	18	8	9	10	0	6	5	34	30
11	Ювелир буюмларни таъмирлаш	24	3	0	2	5	2	2	1	1	1	2	2	2	1	13	7
12	Мебель тайёрлаш ва таъмирлаш	68	38	1	4	58	5	5	5	15	26	16	0	19	8	14	21
13	Буюмларни ижарага бериш	7	15	1	2	26	3	3	9	9	7	19	0	4	6	44	15
14	Тўй кийимлари салонлари	34	10	17	7	24	8	17	12	10	18	13	0	11	10	31	10
15	Автомобилларни таъмирлаш	145	36	16	42	48	42	72	26	32	107	79	9	43	42	62	31
16	Автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари	92	9	3	20	23	21	14	12	22	27	44	0	16	19	24	14
17	Жамоат ҳожатхоналари	20	6	3	0	0	4	3	5	13	6	9	0	1	6	25	5
18	Темирчилик ва миллий ҳунармандчилик	50	22	1	8	59	0	0	73	13	25	0	2	4	44	38	32

2.2.1-жадвалда Самарқанд вилояти туманлари ва шаҳарлари кесимида маиший хизмат корхоналарининг умумий сони келтирилган. Жадвал маълумотоарига кўра 1-ўринда Самарқанд шаҳри 1311 тани ташкил қилиб жами объектларнинг 4.26 % ини, 2-ўринда 750 та объект билан Ургут тумани бўлиб, жами объектларнинг 2.44 % ини, 3- ўринни Иштихон тумани 599 та объект ёки 1.94 % кўрсаткич билан банд қилган, 4-ўринда 509 та объект билан Пастдарғом тумани бўлиб, жами объектларнинг 1.65 % ини, 5-ўринда 499 та объект билан Пайариқ тумани бўлиб, жами объектларнинг 1.62 % ини, 6-ўринда 471 та объект билан Нарпай тумани бўлиб, жами объектларнинг 1.53 % ини, 7-ўринда 452 та объект билан Каттақўрғон шаҳри бўлиб, жами объектларнинг 1.47 % ини,

8-ўринда 345 та объект билан Қўшработ тумани бўлиб, жами объектларнинг 1.12 % ини, 9-ўринда 284 та объект билан Тойлоқ тумани бўлиб, жами объектларнинг 0.92 % ини, 10-ўринда 283 та объект билан Оқдарё тумани бўлиб, жами объектларнинг 0.92 % ини, 11-ўринда 268 та объект билан Самарқанд тумани бўлиб, жами объектларнинг 0.87 % ини, 12-ўринда 262 та объект билан Бўлунғур тумани бўлиб, жами объектларнинг 0.85 % ини, 13-ўринда 261 та объект билан Каттақўрғон тумани бўлиб, жами объектларнинг 0.84 % ини, 14-ўринда 220 та объект билан Жомбой тумани бўлиб, жами объектларнинг 0.71 % ини, 15-ўринда 130 та объект билан Пахтачи тумани бўлиб, жами объектларнинг 0.04 % ини ташкил қилиб келмоқда.

2.3. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар

Ўзбекистонда маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши ўзига хос бўлиб, у моддий ишлаб чиқариш билан бирга параллел равишда шаклланмоқда ва ривож топмоқда. Бу ҳолат бир қанча омиллар таъсирида юз бермоқда. Бу ҳолат бир қанча омиллар таъсирида юз бермоқда. Буларга қуйидагиларни киришиш мумкин:

- мамлакатимизда моддий ишлаб чиқариш соҳасининг бозорини ривожлантириш билан биргаликда номоддий соҳа, айниқса хизматлар бозорини

ҳам бирга ривожлантириш зарурияти бирданига туғилди, чунки иқтисодиётимизнинг таркибий тузилишини шакллантиришда глобаллашув жараёнининг таъсири катта. Зеро дунё мамлакатларида иқтисодиётнинг таркибида хизматларнинг улиши салмоқли бўлиб турсаю, бизда бу кам улушга эга бўлса, шу соҳа билан жаҳон иерархиялашув жараёнига, хусусан хизмат бозорига кириб бора олмаймиз;

- тараққиётнинг ҳозирги босқичида шундай замонавий хизмат турлари вужудга келдики, уларни ривожлантирмасдан туриб моддий ишлаб чиқариш соҳасини ҳам ривож топтириш қийинлашиб қолади. Ҳозирги шароитда ахборотларсиз ва уларни амалга оширадиган хизмат соҳаларисиз ишлаб чиқариш ривожини тасаввур қилиш қийин. Улар эса, ўз навбатида, барча тараққиёт учун, шу жумладан моддий неъматларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ҳам асосий омилларга айланиб улгурди. Бу жараёнда Ўзбекистон ҳам дунё ҳамжамиятидан орқада қолиб кетмаслиги лозим. Бу эса ўз навбатида мазкур хизматларни бирга ривожлантиришни тақозо қилади. Шунинг таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг янги йўналишларини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда.

Хизматлар бозори таркиби хизматларнинг янги истиқболли турлари - банк-молия, суғурта, ахборот-коммуникация хизматлари ва бошқаларни ривожлантириш ҳисобига такомиллашиб бормоқда. Оилаларни мураккаб маиший техника, компьютерлар ва шахсий автотранспорт билан таъминлашнинг кескин ошиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кескин кўпайишига имкон яратмоқда;

- давлат, жамият ва мамлакатимиз аҳолисига хизмат турларига бўлган эҳтиёжнинг ўсиб бориши ҳам ушбу соҳани ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Чунки юқорида қайд этилган катта-кичик субъектларнинг хизматларга бўлган талаби ҳам, уни ҳарид қилиш имкониятлари ҳам ўсиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда;

- хизмат турларини ривожлантириш учун, шу соҳада янги иш ўринларини очиш бошқа соҳаларга нисбатан арзонлиги ва қулайлиги, хизматларнинг кўп

тури миллийлиги ва анъаналаримизнинг сақланиши ҳамда ривожланишига мойиллигининг мавжудлиги, бозор кўникмасига, хизматларга бўлган талабнинг, бозор конъюктурасининг ўзгаришига мослашиш имкониятининг катталиги, хусусий секторда ушбу соҳани тез ривожлантириш мумкинлиги, унда моддий манфаатдорликнинг юқорилиги каби омиллар ҳам мазкур соҳанинг ривожланишини тақозо қилади;

- хизматларнинг турлари халқаро иқтисодий муносабатларда сезиларли даражада ривожланиши ҳам мамлакатимизда бу соҳани ривожлантириш заруриятини туғдирмоқда. Олдинлари бир мамлакат иккинчи бир мамлакатга асосан транспорт хизматларини кўрсатган ҳолда экспорт қилган бўлса, эндиликда уларнинг хизматлар экспорникация, молия ва банк хизматлар, туризм, экспорт қилинган товарларга истеъмол ва эксплуатация қилинаётган жойларда кўрсатилаётган хизматлар каби турларининг улуши ортиб бормоқда;

- хизмат турларининг ривожланиши инсоннинг ўзини ҳам такомиллаштиради. Бунинг учун уни ўзига-ўзи қиладиган хизматлардан озод қилиб, меҳнатини унинг асосий бажарадиган ишига сафарбар қилишга ва унинг самарадорлигини оширишга олиб келади. Масалан қўшиқчи, шоира, ёзувчи, илмий ходим ёки бошқа ижодкор меҳнатини олайлик, улар эркин ижод қилиши учун кўпроқ бўш вақти бўлишини, ижод қилиш учун тафаккур тақозо қилади, бу эса, ўз навбатида вақтининг етарли бўлишини талаб қилади. Аммо ҳар бир инсоннинг, айниқса, ижодкорнинг шунчалик хизматларга эҳтиёжи каттаки, уларга ўралашиб ижодга оз вақти қолиши мумкин. Агар унда тегишли моддий шароит етарли бўлса, у маблағининг бир қисmini хизматларга сарфлаб ўзига ижод қилиши учун тегишли шароитни яратиб олади ва ундан жамиятга кўпроқ наф келади, бу масаланинг биринчи томони. Энг муҳими инсонинг ўзи ижодкор сифатида такомиллашиб боради;

- хизмат соҳаси такрор ишлаб чиқаришда алоҳида буғин сифатида ажралиб турмаган бўлсада, унинг мазкур жараённинг амалга оширилишида ва жадаллашишида ҳиссаси катта. Хусусан, хизмат кўрсатиш кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг барча буғинларида иштирок этмоқда. Ишлаб чиқаришни

ҳам, тақсимотни ҳам, айрибошлаш ва истеъмолни ҳам хизматларсиз тасаввур қилиш қийин. Шу туфайли кенгайтирилган ишлаб чиқариш жараёнида хизматларнинг роли катталигини эътироф этиш лозим, деб ҳисоблайман.

Хулоса қилиб айтганда, маиший хизмат кўрсатиш унумли ёки унумсизми у мамлактнинг ЯИМини яратишда иштирок этади, ишсизликни бартараф килади. Унинг ривожланиши жамиятда аҳолининг эҳтиёжларини қондириш билан бирга хизмат кўрсатишда иштирок этганларнинг ва хизмат кўрсатилган оилаларнинг ҳам моддий фаровонлигини таъминлайди. Ишсизликни бир мунча камайтириш имконини беради.

III-боб. Жомбой туманида маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда ҳудудий омилларнинг маркетинг тадқиқотлари

3.1. Жомбой туманида маиший хизматлар бозорининг маркетинг тадқиқотлари концепцияси

Маркетинг тадқиқотларининг моҳияти маркетинг стратегияси ёки дастурлари бўйича қарорларнинг мукаммал ишлаб чиқилишида мавҳумликка барҳам бериш ва рисклар даражасини минималлаштиришга қаратилган ва белгиланган мақсадлар доирасида маълумотлар жамлаш, замонавий восита ва усулларда қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилиш босқичларидан иборат операцион жараёнларда ўз ифодасини топади.

Тадқиқот объектлари бўлиб бозорда мавжуд маиший хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар, истеъмолчилар, нарх, бозор субъектининг ички потенциали каби элементлар ҳисобланади.

Маркетинг тадқиқотларининг асосида умумий ва таҳлилий –прогностик усуллар ётади. Маркетинг тадқиқотларининг ахборот таъминоти “кабинет” ҳамда “дала” тадқиқотлари доирасида олинган бирламчи ва иккиламчи маълумотлардан ташкил топади. Тадқиқот натижалари бозор субъекти маркетинг фаолиятининг стратегияси ва тактикасини танлашда ҳамда амалга оширишда дастурул амал бўлиб хизмат қилади.

Маркетинг тадқиқотларининг бошланғич босқичи бозорни ўрганиш ҳисобланади.

Бозор кўплаб белгиларга кўра таснифланади, масалан, бозор объектига кўра, бозор истеъмол товарлари бозори, ишлаб чиқариш воситалари ва ресурслари бозори, иш кучи ёки хизматлар бозори, молия бозори, интеллектуал товарлар бозори, туристик хизматлар бозори ва бошқа турдаги бозорларга туркумланади.

Ҳар бир бозорнинг ўзгариш динамикаси бозор объектининг ўзига хос ҳаётийлик давридаги талаб ва таклифнинг ўзаро “бирикиши” доирасида шаклланади.

Хизматлар бозорида ҳам бошқа турдаги бозорлардаги сингари талаб ва таклиф қонуни бир хилда намоён бўлади. Хизматлар бозорида ҳам бошқа

бозорлардагидек, ижтимоий муносабатлар ягона бозор қонунларига бўйсинади. Бироқ, хизматлар бозори механизмининг ўзига хослиги ва унинг бошқа турдаги бозорлардан фарқловчи томони шундаки, унда олди-сотди объекти сифатида хизматларнинг билими, малакаси ва муайян меҳнат жараёнига мувофиқ келувчи қобилятидан фойдаланиш ҳуқуқида намоён бўлади.

Том маънода, хизматлар бозори жамиятдаги меҳнатдан самарали фойдаланиш ва хизматларни такрор ишлаб чиқаришни узлуксиз таъминлашда иштирок этувчи меёрлар ва институтларни ўз ичига олган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий муносабатлардан иборат мукамал тизим ҳисобланади.

Ҳар қандай мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, айнан хизматлар бозори нинг ҳолатига боғлиқ бўлади. Шунга мувофиқ, хизматлар бозори жамоатчилик (касаба уюшмалари, инсон ҳуқуқлари ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар) бир томондан, тадбиркорлик субъектлари ва уларнинг касбий уюшмалари иккинчи томондан, меҳнат муносабатларини ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатдан таъминловчи давлат институтлари учинчи томондан ўзаро бирикиши асосида тартибга солинади. Ушбу “учлик” ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлиги хизматлар бозори механизмининг стихияли ишлашига барҳам бериб, унинг барқарорлигини таъминлайди.

Хизматлар бозори иқтисодий тизимларнинг муҳим бўлаги ҳисобланган ҳолда, тизимнинг иқтисодий ўсиш суръатлари, айнан шу бозорнинг интенсив ривожланиш динамикасига ҳар томонлама боғлиқ бўлади. Ўз навбатида, хизматлар бозори давлат ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан амалга оширадиган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг негизини ташкил этади. Ушбу муносабат шакллари талаб ва таклиф қонунини инкор этган ҳолда бозор айрбошлаш жараёнларидаги юзага келган ҳолати *бандлик даражаси* ҳамда *меҳнатга ҳақ тўлаш шароитларига* нисбатан ўзгарувчанлиги сабабли, унинг мувозанатлашув ҳолати даврий характерга эга бўлади.

Эркин рақобат шароитида хизматларга талаб реал иш ҳақлари ва меҳнат маҳсулининг юқори даражали қийматига асосланган ҳолда шаклланса, таклиф меҳнатга ҳақ тўлаш даражасига боғлиқ ҳолда шаклланади.

Хизматлар бозори мамлакат аҳолисининг ижтимоий аҳволи, турмуш даражасини аниқловчи муҳим индикатор ҳисобланади. Мамлакатда бозор муносабатларининг қарор топиши хизматлар бозори нинг эркин шаклланиши билан изоҳланади.

Иқтисодий тизимларнинг ривожланиш тараққиёти меҳнат ресурсларининг илмий-техникавий, ижтимоий-маданий, сиёсий ва шу каби замон ўзгаришларига мос равишда изчил мослашувчанлик кўрсатгичига (мобиллик параметрига) ўзвий боғлиқ. Меҳнат ресурсларининг мобиллиги ишчи ходимнинг ўзининг реал қобилятидан келиб чиқиб, касбига мос, уни қониқтирадиган иш ўрнини танлаши ёки ўзгарувчан меҳнат шароитларига тезликда мослашиб бориш билан изоҳланади.

Демак, хизматлар бозорида маркетинг тадқиқотларининг предмети сифатида хизматлар бозорида самарали фаолият олиб бориш учун бозор динамикасини, унинг сиғимини, рақобатчиларни тадқиқотлар асосида ўрганган ҳолда, субъектларнинг бозор фаолиятини прогнозлаш ҳамда режалаштириш жараёнлари назарда тутилади.

Бозор тадқиқотларининг объекти бўлиб, хизматлар бозорининг ривожланиш тенденциялари ва жараёнлари, шунингдек уларни шакллантирувчи иқтисодий, илмий – техникавий, ижтимоий - демографик, экологик, ҳуқуқий муҳит ва бошқа таъсир омилларининг ўзгариш жараёнлари ҳисобланади. Булардан ташқари, хизматлар бозори тузилмаси ва географияси, унинг сиғими, аҳоли бандлиги динамикаси, бозор тусиқлари ва рақобат муҳитининг ҳолати, конъюнктуравий ҳолат, бозор имкониятлари ва рисклар ҳам тўлиқ ўрганилади.

Тадқиқот натижаларига кўра, бозорнинг ривожланиш истиқболлари прогнозланади ҳамда конъюнктура тенденциялари баҳоланади. Бозор сегментларга ажратилади ҳамда мақсадли бозор ва унинг нишаси танланади.

Хизматлар истеъмолчиларининг ишчи ва ходимларни танлаш ва ёллаш жараёнида мезон бўлиб хизмат қиладиган барча омилларни комплекс ўрганишни талаб этади. Тадқиқот объекти сифатида тадбиркорлик субъектлари – корхона ва ташкилотлар ҳисобланишади. Тадқиқот предмети бўлиб эса, иш берувчи корхона ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи бошқа иш берувчиларнинг бозордаги таомили ҳамда уни мотивловчи иқтисодий,

ижтимоӣ – маданий, касбӣ – малакавий, функционал ва бошқа омиллари ҳисобланади. Шунга мувофиқ, ишлаб чиқариш таркибӣ тузилмалари, меҳнат жараёнлари ва шароитлари, иш кучига бўлган талабнинг ўзгариш тенденциялари ўрганилади.

Таъкидлаш лозимки, хизматлар бозоридаги талаб ва таклифнинг мувозанатлашуви жараёнида хизматларга бўлган талабнинг қондирилиши иш ахтараётган, бозор субъектининг-ишчи ходимнинг иш ўринларига бўлган ижтимоӣ – психологик муносабати, унинг таомилини ва эҳтиёжларига боғлиқ бўлгани боис, бу соҳани ўрганиш ҳам муҳим жиҳат ҳисобланади. Шу билан бирга, мавжуд ва потенциал иш ўринларининг таркибӣ тузилмасини, унинг сифат характеристикасини, иш ўринларининг бандлик тенденцияси ҳам чуқур ўрганиш талаб этилади. Хизматлар ёки хизматлар бозори шу жиҳати билан бошқа турдаги бозорлардан фарқ қилади.

Шунга мувофиқ ҳолда, хизматлар истеъмолчиларининг ҳамда иш ўринларининг типологияси ўрганилади ва ишлаб чиқилади, уларнинг бозордаги таомилининг (ҳатти – ҳаракатининг) модели урнатилади ва кутиладиган потенциал талаб прогноз қилинади. Ушбу тадқиқотларнинг мақсади – истеъмолчилар таркибини сегментлаш ва бозорнинг мақсадли сегментини танлашдан иборат.

Хизматлар бозорида рақобат муҳитини ўрганиш ҳам тадқиқотларнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Рақиблар бозорнинг муҳим элементи ҳисобланиб, улар динамикаси ҳамда улар фаолиятига боғлиқ тенденцияларни ўрганишдан мақсад рақобат курашида устунликка эришиш стратегия ва тактикаларини ишлаб чиқишдан иборат. Маркетинг муҳитини шунингдек, рақобат муҳитини ўрганишда бир қатор усуллардан фойдаланилади. Шундай усуллардан бири - бенчмаркинг тизими ҳисобланади. Ҳозирда қулланилаётган усулларнинг асосий моҳияти, рақибларнинг устун ва заиф томонлари шунингдек, уларнинг бозордаги мавқеи даражасини (бозор улушини) ўрганишга асосланишидандир. Мазкур тадқиқотлар натижаси эса, хизматлар бозорида алоҳида мавқега ва имкониятга эришишни таъминловчи йўлни танлашдан иборат бўлгани боис,

тадқиқотларни хизматлар бозори нинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, ишга ёлланувчилар ва иш берувчиларга алоҳида йўналган тарзда ўтказилиши талаб этилади.

Хизматлар бозорининг таркибини ўрганишда асосан бозорда меҳнат бандлиги билан шуғулланаётган бир қатор воситачи ташкилотлар, ижтимоий инфраструктуравий институтлар, реклама агентликлари, ўқув марказларининг фаолияти таҳлил этилади.

Хизматларнинг товар сифатида ўрганилиши ёлланувчи ходимнинг иш берувчи томонидан қўйилган касбий-малакавий талабларига ҳамда бошқа индивидуал сифатларининг рақобатдаги устунлигини урнатишдан иборат. Бу борада олиб бориладиган таҳлилларнинг хусусиятини иш берувчи ва иш олувчининг ижтимоий-маданий қадриятлари, улар томонидан илгари сурилаётган устувор жиҳатлар нималар эканлиги аниқлаб беради. Тадқиқотлар натижалари ишлаб чиқарувчи корхоналарига меҳнатни ташкил этиш ва ишлаб чиқариш шароитларини ижтимоий йўналтиришга қаратилган дастурларни такомиллаштиришни назарда тутса, бандликка кўмаклашувчи воситачи ташкилотлар учун хизматлар бозоридаги тенденцияларнинг ўзгаришига нисбатан касбга йўналтириш бўйича олиб бориладиган ишларини бу жараёнларга мос тарзда шакллантириб бориш, ўқув дастурларини мукаммаллаштириб боришга сабаб бўлади.

Хизматлар бозорида унинг элементлари таҳлил қилинар экан, “хизматлар” товарига нархларнинг шаклланиши ва хизматларнинг айнан, қайси турларига нарх динамикаси изчил бўлишлиги, уни шакллантирувчи омиллар нималар эканлигини ўрганиш бўйича олиб бориладиган маркетинг тадқиқотлари ҳам муҳим ҳисобланади.

Маълумки, бугунги эркин бозор шароитида меҳнат муносабатлари қонун ҳужжатлари асосида амал қилади. Шунга мувофиқ, меҳнатни тартибга солувчи мавжуд қонунчилик ҳамда уни ижросини таъминловчи давлат ва жамоат ташкилотлари, бандликка кўмаклашувчи воситачилар фаолиятини ўрганиш орқали ишга жойлаштириш каналларини, “хизматлар” товарини бозорда

самарали силжитишнинг шакл ва усуллари урнатишга имкон яратадиган мезонлар тизимини асослайди.

Худди шунингдек, хизматлар бозори субъектларини ўрганишда улар томонидан олиб бораётган маркетинг коммуникациялари восита ва усуллари, хизматларга талаб ва таклифни рағбатлантирувчи амаллар устида ҳам тадқиқотлар олиб бориш муҳим ҳисобланади.

3.2. Жомбой туманида маиший хизматлар бозори динамикасини прогнозилаш ва самарадорлик даражаларининг маркетинг таҳлиллари.

Тадқиқот натижалари асосида маркетинг комплексининг ҳар бир элементи доирасида хизматлар бозорининг прогнозлари ишлаб чиқилади. Бугунги кунда хизматлар бозори ни прогнозилашда объектларнинг миқдорий ва сифат параметларини эътироф этувчи қўллаб-қўлланади.

Қуйдаги жадвалда хизматлар бозори динамикасини прогнозилашда қўлланадиган усуллар ва уларнинг самарадорлик даражаларининг таҳлиллари келтирилган (3.2.1-жадвал).

3.2.1-жадвал

Прогнозилаш усуллари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари


Кўрсаткичлар Прогнозилаш усуллари	Фойдаланган корхоналар улуши, таҳлил қилинган умумийкорхоналар сонига нисбатан %да (n=334)	Ишончлилик баҳоси	Қўлланиш давомийлиги
<u>Миқдорий усуллар</u>			доимо
1.Трендлар экстраполяцияси	73.7	ўрта	
2. Ўзгарувчан ўртача миқдорлар усули	67.7	ўрта	онда сонда
3. Регрессион таҳлил	35.9	ўрта	баъзида
4. Ўртача миқдорларни экспоненциал текислаш	32.9	ўрта	онда сонда
5. Моделлаштириш	15.9	юқори	доимо
6. «Ҳаражат - ишлаб чиқариш» моделли "	14.4	ўрта	онда сонда
7. Марков қаторлари	4.2	паст	онда сонда

<u>Сифат кўрсаткичли усуллар</u>			
1.Халқаро бўлимлар ходимларини баҳолаш	87.7	ўрта	онда сонда
2.Техник-технологик ва иқтисодий салоҳиятга масъул раҳбарларни баҳолаш	85.9	юқори	доимо
3.Истеъмолчиларни сўраб билиш	81.8	ўрта	доимо
4. Хизматлар “товарини” тест усулда текшириш	50.0	ўрта	доимо
5. Аналоглар усули	46.7	юқори	баъзида
6.Хизматлар бозори ни тест усулида текшириш	37.7	ўрта	доимо
7.«Дельфи» усулида эксперт баҳолаш	15.9	ўрта	баъзида

Бугунги кунда замонавий бизнесни бошқаришда субъектларнинг фаолиятини прогнозлашда таҳлил усулларининг STEP, SPACE, SWOT каби кўпгина матрицавий шакллари ҳам қўлланилади.

Жадвалда келтирилган усуллардан самарали фойдаланишни инкор қилмаган ҳолда, фикримизча хизматлар бозори динамикасини прогнозлашда омилли таҳлил усулидан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб биламиз. Хизматлар бозори нинг омилли таҳлилининг моҳияти, бир-бирини тақозо этувчи кўплаб ўзаро боғлиқ омиллар ўртасидаги боғлиқни ифодаловчи сифат ўзгарувчиларини миқдорий кўрсаткичларда аниқлаш орқали прогноз индикаторларини асослашдан иборатдир. Омилли таҳлилда омиллар мезонидан фойдаланиш учун унинг асосида тўпланган барча ахборотларни таҳлил қилиш, тизимлаштириш ва ҳар бирини алоҳида баҳолаш зарур бўлади.

Омилли таҳлил усули қуйидаги бир қатор операцияларни амалга оширишни кўзда тутди



3.2.1-расм. Хизматлар соҳаси хизматлар бозорида омилли таҳлил усулининг кетма-кетлиги

Хизматлар бозорининг омилли таҳлилида асосий таъсирларни бозордаги талаб ва таклифга таъсир қилувчи қуйидаги мезонларга ажратишни тавсия этишимиз мумкин.

3.2.2-жадвал

Хизматлар бозорининг талаб ва таклифига таъсир қилувчи мезонлар

<u>1.Хизматлар таклифини шакллантирувчи омиллар.</u>	<u>2. Хизматлар талабини шакллантирувчи омиллар.</u>
<u>1.1. Демографик омиллар:</u> • минтақада меҳнатга яроқли аҳоли сони динамикаси; • меҳнатга яроқли аҳолининг жинс таркиби бўйича динамикаси; • меҳнатга яроқли аҳолининг ёши бўйича динамикаси; • меҳнатга яроқли аҳолининг маълумоти бўйича динамикаси; • хизматлармиграцияси.	<u>2.1. бўш иш ўринлари ва ўриндош ходимлар сонининг ўзгариши:</u> • малака талаб қилмайдиган ишлар; • кам ҳақ тўланадиган ишлар; • ноқулай меҳнат шароитига эга ишлар; • ижтимоий нуфузи паст иш билан бандлик; • яшаш жойидан узоқ ёки тўлиқ ажралган ҳолдаги ишлар.

<u>1.2. Иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлмаганлар ҳисобига хизматлар таклифи ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар:</u> • ишлаб чиқаришнинг техник жиҳатдан таъминланганлиги ва янги технологияларни жорий этилишининг ўсиши; • ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши; • кадрлар қўнимсизлиги; • ишлаб чиқаришнинг таркибий ўзгариши ва қайта қурилиши; • корхона ва муассасаларнинг вақтинча фаолиятини тўхтатиши ва тугатилиши; • меҳнат шароитлари ва иш ҳақи даражасининг ўзгариши; • инвестициялар ҳажмининг динамикаси; • қўшимча ёки ўриндошлик асосида ёллаш натижасида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ўзгариши; • меҳнат интенсивлиги; • жамоадаги ижтимоий-ахлоқий ва руҳий муҳитнинг қониқарсизлиги.	<u>2.2. Ишлаб чиқариш фаолиятининг чекланишини белгиловчи кўрсаткичлар:</u> • ишга лаёқатли аҳоли бандлигининг табиий камайиш динамикаси; • нафақага чиқувчилар динамикаси (шу жумладан муддатдан илгари); • кадрлар қўнимсизлиги динамикаси.
<u>1.3. Ишсизлар сонининг ортишини ифодаловчи омиллар(ихтиёрий ишсизликдан ташқари):</u> • умумтаълим ва ўрта-махсус касб тайёргарлигига эга ёшлар сонининг динамикаси; • муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатирилганлар сонининг динамикаси; • вақтинчалик ишсизлар сонининг динамикаси (ёш болали аёллар, ногиронларга ҳамроҳлик қилувчи шахслар ва бошқ.); • жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатирилганлар сонининг ўзгариши; • узоқ муддатдан бўён ишсизлар сонининг ўзгаришсизлиги.	<u>2.3. Янги иш жойлари ва лавозимларга нисбатан иш кучига бўлган бўлган эҳтиёж динамикаси:</u> • корхона ва муассасаларнинг таркибини қайта ташкил этиш ҳисобидан янги иш жойларини ишга тушириш; • мавжуд ишлаб чиқаришда янги иш жойларини яратиш.
<u>1.4. Ишсизлар сонининг ўзгаришини ифодаловчи омиллар:</u> • иш билан бандлар сонининг динамикаси; • ишсизликнинг умумий даражасининг динамикаси; • ишсизлик давомийлиги динамикаси; • ёшлар ўртасида ишсизлик динамикаси; • ишсиз деб эътироф этилганлар сонининг камайиш динамикаси. <u>1.5. Иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлганлар ҳисобига хизматлар таклифи ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар:</u> • меҳнатга ҳақ тўлаш даражасининг	<u>2.4. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг яқка тартибдаги фаолиятига таъсир этувчи омиллар:</u> • иқтисодиётнинг турли соҳаларида тадбиркорликни тартибга солувчи қонунчиликнинг мавжудлиги; • давлатнинг молиявий кўмаги; • иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий кафолатлари; • юқори даражадаги рақобатбардошлик (хизматлар ва у томонидан ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларнинг хоссалари ва сифати, ноу-хаудан фойдаланиш ва ҳаказолар);

ўзгаришсиз қолиши ва иш ҳақларининг пасайиши; • меҳнат интенсивлигининг ўсиши; • касб нуфузининг ва меҳнат фаолиятини жозибадорлигининг ортиши динамикаси; • тўлиқ бўлмаган иш вақтида ишловчилар сони динамикаси; • иш билан бандларнинг касб-малака даражасининг ортиши; • ишдан бўшаш эҳтимоли юқори бўлган ва ишсизлар сонининг динамикаси; • жамоадаги ижтимоий-ахлоқий ва руҳий муҳитнинг ўзгариши.	• иқтисодиётнинг муайян соҳасида бандликни оширишга нисбатан ижобий ёндашув; • оила аъзолари ва қариндошлар томонидан моддий ва маънавий қўллаб қувватлаш; • жамиятда даромадларнинг дифференциациялашуви; • иш ўринларини ташкил этишга сарфланадиган харажатлар ўлчами.
---	--

Келтирилган омилларнинг таснифланиши хизматлар бозорининг омилли таҳлил имкониятларини янада оширади ва унинг ишончлилигини таъминлайди. Шунингдек ушбу омилларнинг таснифланиши маркетинг тадқиқотлари мақсадини ҳам белгилаб беради ва тадқиқотлар чоғида тўпланган маълумотлар базасини бойитади. Маркетинг тадқиқотларида омилли таҳлил усулидан фойдаланиш маълум бир даврларда ўтказиладиган тадқиқотларни ҳам қамраб олиши мумкин. Масалан хизматлар бозорининг талаб билан боғлиқ соҳаси ёки таклиф билан боғлиқ соҳаси. Бундай омилли таҳлил айрим омилларни қамраб олувчи таҳлилларда ҳам қўлланилиши мумкин(аҳолининг ўз-ўзини банд этиши, ишсизлик, ишдан озод бўлиш даражасининг динамикаси ва бошқ).

Омилли таҳлилда шунингдек айрим қўшимча омиллар ҳам киритилиши мумкинлиги боис, уларнинг сонини соҳага, тармоққа ва жараёнга боғлиқ ҳолда ошириш имконияти мавжуд бўлади. Масалан, соҳага боғлиқ унсурлар-иқтисодиётдаги қайта қўриш, ишлаб чиқариш хажмининг кенгайиши ва бошқалар.

Омиллар таъсирини бир томонлама деб қараш ноўрин. Бир қатор омиллар хизматлар бозорида хизматлар таклифига, айримлари талабига таъсир кўрсатади. Айрим омиллар эса бозор тенденциясига қарама-қарши таъсир кўрсатади. Шунинг учун хизматлар бозори маркетинг тадқиқотларида омилли таҳлилни қўллашда омилларни қўшимча равишда қуйидаги белгилар асосида таснифлашни тавсия этишимиз мумкин.:

1) танлаб олинган омил таъсирида хизматлар бозорида талаб ва таклифнинг кучайиши(пасайиши)ни эътиборга олиш;

2) танлаб олинган омил қайси вақт оралиғида таъсир қилади(узоқ муддат, қисқа муддат);

3) замонавий шароитларда омилларнинг вужудга келиш хусусиятларини баҳолаш.

Омиллар динамикасини таҳлил қилиш асосида маълум вақт оралиғида уларнинг ўзаро боғлиқлик қонуниятларини аниқлаш, ривожланиш тенденцияларини баҳолаш ва келгуси давр учун прогноз кўрсаткичларини олиш имконини беради. Олинган таҳлил натижалари эса ўз навбатида, яқин истиқболда аҳолининг бандлигини ошириш сиёсатининг мақсадини ўрнатиш, хизматлар бозорида аҳоли бандлиги ва ижтимоий ҳимоясининг устувор йўналишларини белгилаш ҳамда амалга оширишга хизмат қилиши муқаррардир.

3.3. Жомбой туманида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари

Жаҳон иқтисодиётидаги ўзгаришлар Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа соҳалари сингари хизматлар соҳасини ҳам устувор даражада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу сабабли мамлакатимизни модернизация қилиш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устувор йўналишларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини юқори суръатларда ривожлантиришни таъминламоқда.

Мамлакатимизда кейинги ўн йилликда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг мустақил тармоғига айланди. Бу ҳолат қуйидаги сабабларга кўра юзага келди:

- давлат молиялаштирилишининг камайиши, яъни мулк шаклини ўзгартириш жараёнларининг таъсири ва хусусий тадбиркорликни

ривожлантириш натижасида аҳолига ва ташкилотларга пуллик хизматлар кўрсатиш ошиб борди;

- кўплаб янги хизмат турлари пайдо бўлди;
- хизмат кўрсатиш корхоналари орасида рақобат кучайди.

Иқтисодий ислохотларни юксалтириш, иқтисодиёт соҳасида эркинлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устувор йўналишларни босқичма-босқич амалга ошириш республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасини юкори суръатларда ривожлантиришни таъминламоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган қуйидаги чора-тадбирлар хизматлар соҳасининг ривожланишига имкон бермоқда:

* соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, болалар спортини ривожлантириш, компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологиялари, коммунал хизматлар, уй-жой қурилиши, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, иш билан бандликнинг минтақавий дастурлари, кичик бизнесни ривожлантириш, банк соҳасини ислох қилиш ва бошқа тармоқ дастурларини амалга ошириш;

* депозитар тизим, аудиторлик, лизинг, реклама, адвокат, консалтинг, суғурта фаолиятлари, микромолиялаштириш ва кредит уюшмаларини ташкил этиш каби янги бозор институтларининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратишга йўналтирилган чора-тадбирлар;

* транспорт коммуникацияси тизимлари, телефон алоқа станциялари ва линияларини ривожлантириш бўйича хорижий инвестицияларни жалб қилиш, меҳмонхоналар тармоғини ривожлантириш, қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш дастурларини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни ҳаётга жорий этиш.

**Самарқанд вилояти Жомбой туманининг асосий ижтимоий-иқтисодий
кўрсаткичлар**

2016 йилнинг 1-январ ҳолатига

Кўрсаткич номи	Ўлчов Бирлиги	Ҳажми			Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати, %		
		2013 й.	2014 й.	2015 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.
Саноат маҳсулотлари	млрд. сўм	424,4	531,1	560	114,4	112,3	100,2
Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш	млрд. сўм	114,0	128,0	190	113,1	105,2	105,2
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	млрд. сўм	212,8	247,6	293,6	106,7	107,6	107,9
Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми	млрд. сўм	70,6	63,2	69,2	102,3	100,2	110,2
шу жумладан чет эл инвестициялари	минг АҚШ долл.	0,24	0,04	0,05	19,3	16,6	20,1
шундан тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари	минг АҚШ долл.	0,29	0,03	0,04	-	11,6	12
Қурилиш-пудрат ишлари	млрд. сўм	54,1	84,7	105,9	115,8	110,9	142,9
Чакана товар айланмаси	млрд. сўм	105,4	130,8	161,9	110,3	112,5	115,2
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	млрд. сўм	63,9	75,3	83,6	144,1	118	110
Ташқи савдо айланмаси	минг АҚШ долл.	171209,1	179862,3	106487, 7	150,5	105,1	59,2
Экспорт	минг АҚШ долл.	6961,3	12134,6	11883,4	193,1	174,3	97,9
Импорт	минг АҚШ долл.	164248	167728	94604,3	149,1	102,1	56,4
Қўшма корхоналар сони	бирлик	17	18	18	X	X	

Самарқанд вилояти Жомбой туманининг саноат маҳсулотлари

2016 йилнинг 1-январ ҳолатига

	Кўрсаткичлар	Ўлчов Бирлиги	Миқдори		
			2013 йил	2014 йил	2015 йил
1	Саноат маҳсулоти	млрд. Сўм	424,4	536,2	560,2
2	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	114,4	112,3	100,2
3	Вилоятдаги улуши	%	12,6	12,3	12,7
4	Аҳоли жон бошига	минг сўм	2792,8	3569,9	3699
5	Худудий саноат корхоналари ҳажми	млрд сўм	44.4	52.0	59
6 7	Жами саноат ҳажмидаги улуши	%	10,5	9,7	10
8	Кичик бизнеснинг саноатдаги улуши	%	0,3	0,3	0,3
9	Рўйхатдан ўтган саноат корхоналар сони	Бирлик	101	108	122
10	шундан: йирик корхоналар	Бирлик	4	5	6
11	Фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари	Бирлик	95	105	110
12	Фаолият кўрсатмаётган саноат корхоналари	Бирлик	18	18	12
13	Улуши	%			
14	Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўрсаткичлари (ХИМ)	млрд. сўм	114,0	128.8	176,3
15	Ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати	%	113,1	105,2	116,3
16	Вилоятдаги улуши	%	5,2	5,0	5,1
17	Аҳоли жон бошига ХИМ	минг сўм	777,7	937,3	988

Маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш меҳнаткашлар ва ишчи-хизматчилар фойдаланадиган бўш вақт структурасини такомиллаштиришга, жисмоний қувватни тежашга кумаклашади. Республикамиз аҳолиси маиший турмуш шароитларида юз берган туб сифат ўзгаришлари, жумладан уй-рўзгор ишларида электр ва механизациялардан тобора кенг фойдаланиш, шахсий хизматга талаб ва эҳтиёжнинг ошиб бориши, маиший хизматнинг ривожланишига замин бўлади. Ўзбекистонда ҳозирги бозор муносабати даврида бу хизмат турларини ҳозирги давр талабларига жавоб берадиган даражада ривожлантириш, тартибга солиш ва мувофиқлаштириш даврини кечиктириб бўлмас талабга айланади.

3.1.3-жадвал

**Самарқанд вилояти бўйича маиший хизмат корхоналарининг ҳолати
(1-январ 2016 йил)**

Т/р	Шаҳар ва туманлар номи	Вилоят бўйича жами хизмат кўрсатиш корхоналари	Маиший хизмат корхоналари	Маиший хизмат корхоналарининг улуши
	Вилоят бўйича жами	30734	5383	17,5
1	Самарқанд шаҳри	9634	1311	13.6
2	Каттақўрғон шаҳар	1565	452	28.8
3	Булунғур тумани	883	262	29.6
4	Жомбой тумани	835	220	26.2
5	Иштихон тумани	1596	599	37.5
6	Каттақўрғон тумани	793	261	32.9
7	Нарпай тумани	1349	471	34.9
8	Нуробод тумани	1070	416	40.9
9	Оқдарё тумани	792	283	35.7
10	Пайариқ тумани	2340	499	21.3
11	Пастдарғом тумани	2488	509	20.5

12	Пахтачи тумани	488	130	26.6
13	Самарқанд тумани	659	268	40.7
14	Тайлоқ тумани	1137	284	24.9
15	Ургут тумани	3818	750	19.6
16	Қўшработ тумани	1287	345	26.8

Манба; вилоят маиший –хизмат сервис бошқармаси статистик маълумотлари

Самарқанд вилояти бўйича жами хизмат кўрсатиш корхоналари сони 30734 тани ташкил этган. Шундан 5383 таси ёки 17.5% и маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ҳисобланади. Жами хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг 2.71%и ёки 835 таси Жомбой туманига тўғри келади. Жомбой туманига тўғри келадиган 835 та корхонанинг 220 таси маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, муайян бир соҳани ривожлантириш- да унга тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқламасдан, уларнинг ечимларини топмасдан туриб бу соҳани келажакда ривожлантириш қийин ҳисобланади. Шу сабабли ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, унинг устувор йўналишларини белгилаш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

3.1.4-жадвал

Самарқанд вилояти Жомбой туманида мавжуд бўлган хизмат кўрсатиш объектларининг сони

Т/р	Мавжуд хизмат турлари	Мавжуд шахобчалар сони	Эҳтиёж бўлган шахобчалар сони
	Жомбой тумани	835	493
	Маиший хизматлар	220	259
1	Сартарошхоналар	42	19
2	Гўзаллик салонлари	15	37

3	Кимёвий тозалаш ва бўяш	0	3
4	Ксерокопия	14	28
5	Суръатхона	5	8
6	Ҳаммом	3	8
7	Соатларни таъмирлаш	0	7
8	Пойафзал тикиш ва таъмирлаш	24	27
9	Кийим тикиш ва таъмирлаш	29	31
10	Маиший техникаларни таъмирлаш	3	22
11	Ювелир буюмларни таъмирлаш	2	0
12	Мебель тайёрлаш ва таъмирлаш	4	8
13	Буюмларни ижарага бериш	2	22
14	Тўй кийимлари салонлари	7	6
15	Автомобилларни таъмирлаш	42	23
16	Автомобилларга ёқилғи қуйиш станциялари	20	5
17	Жамоат ҳожатхоналари	0	1
18	Темирчилик ва миллий ҳунармандчилик	8	4

Битирув малакавий ишимизнинг 2.1. ва 2.2. параграфларида келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, бугунги кунда Жомбой туманида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида бир қатор ижобий натижаларга эришилган бўлсада, лекин соҳада ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган бир қатор муаммолар мавжуд. Бу муаммоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Туманнинг қишлоқ жойларига ушбу соҳани олиб кириш ишлари етарли даражада ташкил этилмаганлиги;
- Замонавий хизматлар талаб даражада ривожланмаганлиги;
- Хизмат кўрсатиш соҳасида айланма маблағларнинг етишмаслиги;
- Хизмат кўрсатиш соҳаларига инвестициялар киритилишининг камлиги;

- Хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг тармоқларини вилоят ва туман хокимлиги томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатининг ўз вақтида изчил амалга тадбиқ этмаслиги;

- Хизмат кўрсатиш соҳасида малакали кадрларнинг етишмаслиги;

Юқоридаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда, бизнинг фикримизча, қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- туман аҳолисининг ушбу соҳага бўлган эҳтиёжининг ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда янги хизматлар тури ва шаклини янада кенгайтириш;

- миллий статистика тизимида хизмат кўрсатиш хизматлари бозорини таҳлил этиш имконини берувчи кўрсаткичлар тизимининг ҳисобини юритиш;

- жойларда, айниқса, қишлоқларда ишлаб чиқариш, ижтимоий инфратузилма, хусусан сервис кўрсатиш инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида муайян имтиёзлар бериш эвазига банкларнинг кредит портфели улушини кўпайтириш;

- туманда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари бўлган туризм-мехмонхона хўжалиги бизнеси, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноати ҳамда тиббиёт ва қайта ишлашни ривожлантириш учун ускуналар билан ишловчи КБХТ субъектларига имтиёзли фоизлардаги лизинг хизматлари ва сервисини кенгайтириш;

- қишлоқ жойларида маиший хизмат, сервис, телекоммуникация, ахборот-маслаҳат ва компьютер хизматлари каби соҳаларни ривожлантиришга эътибор қаратиш;

- коллежларда махсус хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи янги йўналишларни очиш;

• коллежларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўйича тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва уларга янги субъектларни очиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш.

- аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва турини кўпайтириш;

- янги истиқболли хизмат турларини жадал ривожлантириш;

- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг ривожлантирилиши устидан мониторингни амалга ошириб бориш;
- инвестицияларни (шу жумладан, чет эл инвестицияларини), замонавий технология ва ускуналарнинг жалб этилишини, ахборот ва тушунтириш ишларини, консалтинг, лизинг, сугурта ва бошқа хизматлар ривожлантирилишини ташкил этиш;
- кўргазма ва ярмаркаларда, инвестицион ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишда кичик тадбиркорлик субъектларининг иштирокини кенгайтириш чора-тадбирларини кўриш;
- туманда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида тижорат банклари кредит ресурсларидан кенг фойдаланиш;
- тадбиркорлик субъектлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш.
- бозор инфратузилмаларини (бизнес-инкубаторлар, ўқув марказлари, консалтинг хизмат кўрсатувчи марказлар) ишини фаоллаштириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;
- туманда тадбиркорликни ривожлантириш муамоларига бағишланган амалий семинарлар ташкил этиш;
- соҳада мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни ўрганиш мақсадида тадбиркорлар ўртасида мунтазам тарзда сўровномалар ўтказиш.

Жомбой туманида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

Бозор иқтисодиёти шароитида хизмат соҳаларининг ривожланиши улар фаолиятининг истиқбол кўрсаткичларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу эса Жомбой туманида хизмат кўрсатиш соҳасининг концептуал йўналишлари ва дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланиш имконини беради.

Маълумки, иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини

ривожлантиришга кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу имкониятлар ўз навбатида ушбу соҳанинг иқтисодиётда тобора муҳим ўрин эгаллашини ҳам талаб этмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 56,9 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

Айти пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда⁴⁵.

Бугунги кунда хизмат соҳаларида тадбиркорликни ривожлантириш мамлакат иқтисодиётини юксалтирибгина қолмасдан, аҳоли фаровонлигини таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этиши ҳаммага маълум. Аҳоли даромадларининг мазмуни ва таркиби бозор муносабатлари шароитида тубдан ўзгарди. Чунки, олдин даромади асосан меҳнат даромадидан таркиб топган бўлса, эндиликда бу манба етарли бўлмасдан қолди. Шу туфайли, ҳар бир оила эндиликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини ҳаётнинг ўзи тақозо этади.

Бугунги кунда республикаимиз иқтисодиётида кичик бизнес корхоналари ҳиссасини оширишга кўплаб шарт-шароитлар яратилмоқда. Айтиқса, бу борада Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов Олий

Каримов И. А. 2014 йил юкори усиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, узини оклаган ислохатлар стратегиясини изчил давом эттириш йули булади.. Хал к сузи. 2014 йил 18 январь.-1 б.

Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида⁴⁶ «хусусий тармоқнинг жадал ривожланиши, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушини кўпайишини таъминлайди» - деб таъкидлаганди.

Ушбу йиғилишда кичик бизнес субъектлари учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида, бу соҳадаги энг муҳим вазифалар қуйидагилардан иборат қилиб белгилаб қўйилди:

- Давлат тузилмаларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш.

- Хўжалик субъектларига нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари тизимини тўлиқ қайта кўриб чиқиш. Қасддан содир этилмаган ва катта бўлмаган қоидабузарликлар учун жазо чораларини камайтириш ва тадбиркорлар етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаган ҳолларда жазони қўллашдан воз кечиш керак.

- Хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, биржа ва аукцион савдолари орқали сотилаётган товарлар тури ва ҳажмини кенгайтиришга қаратилган қатъий чора-тадбирлар кўриш, марказлаштирилган тақсимот тизимига қайтишга бўлган ҳар қандай уринишларга барҳам бериш айниқса муҳим аҳамиятга эга.

- Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шубҳасиз, бу соҳага молиявий кўмак, қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференсиялар беришни тақозо этади. Бу ёрдамни замонавий ривожланган банк тизими орқали, ишлаб чиқариш корхоналарига фойиз ставкалари унча юқори бўлмаган кредитлар ажратиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Микрокредитлаш тизимини кенгайтириш, бу ишни Халқаро молия корпорацияси, Жаҳон банки, Осиё банки каби халқаро молия ташкилотлари ёрдамида амалга ошириш талаб этилади.

⁴⁶ Karimov I.A. Bizningbosh maksadimiz - jamiyatni demokratlashtirish va yangilash, mamlakatni modernizatsiya va islox etishdir.- T.: Uzbekiston, 2005 .79-83 B. ² O'shajoyda. 79-83 B.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан ҳам қўллаб - қувватланыпти. Шу мақсадда вазирлик ва идораларга кичик бизнес учун қўшимча кафолат ва имтиёзлар бериш бўйича ҳукумат қарорлари лойихасини тайёрлаш вазифаси топширилади. Бунда қуйидаги масалалар кўзда тутилиши зарурлиги таъкидланган:

- Солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг ошқора, соддалаштирилган усуллари ишлаб чиқиш.

- Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун рухсат бериш тартибларини қисқартириш ва соддалаштириш, кичик бизнесни ариза бериш асосида рўйхатга олиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

- Йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган янги корхоналар ташкил этиш, хонадонларда майда хусусий цехлар очишни рағбатлантириш.

- Кичик корхоналарда ишлайдиган, айниқса, қишлоқ жойларда касаначилик билан шуғулланадиган фуқаролар учун моддий-техник таъминот бўйича хизмат кўрсатадиган ва улар томонидан тайёрланган маҳсулотларни сотишга қўмаклашадиган тузилмалар яратиш.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини қўллаб - қувватлашда бозор инфратузилмаси ва тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини яратиш, хусусан тадбиркорларни бирлаштириб, улар манфаатини ҳимоя қилувчи жамоат ва нодавлат ташкилотлари катта аҳамиятга эга. Бу борадаги маълумотларнинг кўрсатишича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари орасида ишбилармонлар ва касбий ассоциацияга аъзо бўлганлар сони кўпаймоқда: Сўралган тадбиркорлик субъектларининг 22 фоизи товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аъзоси ва 26 фоизи деҳқон ва фермер хўжаликлари ассоциацияси аъзоларидир. Тадбиркорлик субъектларининг ярмидан кўпи биронта ҳам уюшмага аъзо эмас. Бунинг асосий сабаби шундаки, улар бундай уюшмаларнинг ҳеч қандай нафи йўқлигини

таъкидлаганлар. Сўралганларнинг 14 фоизи вилоятда ишбилармонлар ва касбий ассоциациялар борлигини умуман билишмайди.

Республикада хусусан вилоятда тадбиркорликни ривожланиши учун қулай шароитларнинг яратилганлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

- Турли ривожланган бозор инфратузилмалари фаолият кўрсатмоқда: Республика товар-хомашё биржаси, Агросаноатбиржа, Кучмас мулк биржаси, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш фонди, суғурта агентликлари, тадбиркорлик субъектларига консалтинг, аудиторлик ва ахборот хизмати кўрсатувчи «Konsauitinfarm» агентлиги, муҳандислик ва лизинг фирмалари, кадрлар тайёрлаш маркази, кичик улгуржи дўконлар тармоғи ва бошқалар.

- Чет эл кредит йўналишлари очилди ва уларни ўзлаштириш йўлга қўйилди.

- 2012 йил 10-майда қабул қилинган «2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 2016 йил 26-февралда қабул қилинган «2016-2020 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари хизмат кўрсатиш соҳаси вакиллари фаолиятини кенгайтиришга имкон яратди.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28-сентябрдаги «Тадбиркорлик субъектларига «Ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2412 сонли қарорига биноан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатномалар расмийлаштиришнинг соддалаштирилган механизмлари жорий этилди.

- Хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёзлар берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрда «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий

мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармонининг қабул қилиниши вилоятимиз тадбиркорларига, қолаверса Республикамиз тадбиркорларига очиб берилган имкониятлардан бири бўлди.

- Давлат кичик ва хусусий тадбиркорлик учун кадрлар тайёрлаш, қайта ўқитиш, малака ошириш тизимининг ривожланишини таъминлайди.

7) Тадбиркорлар фаолиятига ғайриқонуний аралашувлардан ҳимоя қилишда ҳокимиятларда, ваколатли вазирлик ва ташкилотларда ўрнатилган "Ишонч телефонлари" ҳамда тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинган вақтида берилувчи "текширишларни қайд этиш дафтари" ижобий рол уйнайди.

Бу имкониятлар эса ҳар бир тадбиркор учун кенг шароитлар яратилганлигидан далолатдир. Шу билан бирга айтиб ўтиш керакки, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш ҳамда рағбатлантириш соҳасида ҳали кўп ишларни амалга ошириш зарур. Тадбиркорликни юритишда тенг бўлган имкониятлар, тўсиқлар ҳалигача сақланиб турибди. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши давлатнинг тартибга солиш бўйича функцияларини сезиларли даражада қисқартиришни кўзда тутаяди.

Бундай чора-тадбирлар тадбиркорликнинг ривожига ҳам ёрдам беради, даромадларни ошириш ва оилалар турмуш даражасини тезроқ яхшиланишига олиб келади. Шу туфайли, хизматлар соҳасини ривожлантириш бугунги кунда мамлакатимиз учун ўта муҳим тадбир эканлини идрок қилишимиз ва унга тегишли эътибор қаратишимиз зарур.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини қўллаб-қувватлаш тизимларини таҳлил қилиш қуйидаги вазифаларни аниқлаш имконини беради:

- инфратузилма ривожланмаган қишлоқ жойларда аёлларга оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун микрокредитлар ажратиш бўйича ресурс имкониятларни аниқлаш;

- йирик саноат корхоналари томонидан уйда бажариладиган ишлар ва хизматларга буюртма бериш ҳисобига уй меҳнати ишчи ўринларини яратиш параметрларини аниқлаш.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, баркарор иқтисодий ўсишга эга бўлган кўплаб давлатларда хизмат кўрсатиш соҳасида ишловчиларнинг улуши 50 фоиздан кам эмас ва бу бозор инфратузилмаси тармоқларини рағбатлантириш ва қувватлаш, интенсив омиллар ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳисобига хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш орқали таъминланади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг янада ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- Жомбой туманининг, бориш қийин ва иш топишга талаб хаддан ортиқ кўп бўлган қишлоқ пунктлари аҳолисига ҳар қандай хизмат кўрсатаётган тадбиркорларга 3 - 5 йилгача солиқларнинг бир қисми ёки барчасидан озод қилиш. Бу тадбиркорларнинг ўз - маблағлари билан хизмат кўрсатиш ёки бошқа фаолият турларини кенгайтириш имконини беради. Солиқдан имтиёзлар бериш ҳозирги даврда жуда муҳимдир. Чунки, кўпчилик тадбиркорлар бозор қонуниятларига кўникма ҳосил қилмаганлар. Бу ҳолат, албатта тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу туфайли, хизмат соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга солиқ ставкасини пасайтириш ҳамда, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган мажбурий ажратмаларни камайтириш лозим;

- Хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларини тўғридан - тўғри молиялаштириш ва енгил шартлар билан кредит ва қайтимсиз грантлар бериш;

- Иш билан бандликни таъминлаш мақсадида йирик саноат корхоналари ўртасидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар (касаначилик) бўйича ҳамкорликка янада кенг шароитлар яратиш;

- Хизмат соҳаси тадбиркорлик субъектларига ахборот маслаҳатларини беришда кўмаклашиш;

- Хизмат соҳаси тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

Юқорида қайд этилган тадбирларни амалга ошириш Жомбой туманида хизмат соҳасини ривожлантириш ва давлат томонидан қўллаб - қувватлаш механизмини янада такомиллаштириш имконини беради.

ХУЛОСА ва ТАКЛИФЛАР

«Қишлоқ жойларда маиший хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришнинг маркетинг концепцияси» (Жомбой тумани иқтисодиёт ва статистика бўлими материаллари асосида) мавзусидаги битирув малакавий ишни бажариш ва ўрганиш қуйидаги хулосаларни қилишга имконият берди:

1. "Хизмат" - бир томондан истеъмолчига, иккинчи томондан бозор субъектлари (ишлаб чиқарувчи, савдо турли хизматларни курсатувчи корхоналар)га фойда келтирадиган, инсонларнинг маълум эҳтиёжларини қондириш орқали уларга ёрдам (яхшилик) берадиган бозор субъектларининг фойда олишга қаратилган иқтисодий фаолиятидир.

2. "Маиший хизмат" - аҳолига маиший хизмат кўрсатиш — аҳолига ноишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш хизмати кўрсатиш соҳасининг бир қисми. Маиший хизмат кишиларнинг касбий ва ижтимоий-сиёсий фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда моддий ва маънавий эҳтиёжларни бевосита қондириш бўйича амалга ошириладиган ижтимоий-ташкилий усуллар ва шакллар билан тавсифланади.

3. "Сервис" хизматларнинг мураккаб меҳнат жараёнидан иборат бўлган, юқори малакали ишчиларни талаб қиладиган айрим турларини мужассамлаштирган хизматни илгор туридир.

4. "Хизмат кўрсатиш" - инсонларнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш субъектларида юзага келадиган, ўз истеъмол эҳтиёжларини қондиришга йуналтирилган ва даром ад олишга қаратилган ҳдракатлар мажмуини ифодаловчи фаолиятдир.

5. Жомбой туманида жами аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар 2016 йилда 202.2 млрд. сўмни ташкил этиб 2015 йилга нисбатан 114,5 фоизга кўпайган. Энг юқори кўрсаткичлар компьютерли программалаштириш хизматлари 140 марта, алоқа ва ахборотлаштириш хизмати 21 марта, маиший хизмат кўрсатиш 8,9 марта ва транспорт хизмати 2,5 марта ўсиши кузатилган бўлса, қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари ва қурилиш хизматлари 2015 йилга нисбатан камайган .

6. Жомбой туманида аҳолига кўрсатилаётган хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиш ҳолатининг таҳлили шуни кўрсатадики, хизматлар ҳажми 2016 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, 83.6 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу эса 2015 йилга нисбатан 18 фоизга кўп, яъни шу давр мобайнида ушбу кўрсаткич 8.3 млрд.сўмга ошган. 2016 йилнинг 1-январ ҳолатга кўра аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар 988 минг сўмни ташкил қилган, 2015-йилги иқтисодий кўрсаткичларга қараганда 5,13 фоизга ошиши ижобий ҳолатдир. Лекин, Жомбой туманида аҳолига кўрсатиладиган хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш, унинг турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда уларни шаҳар даражасига яқинлаштириш имкониятлари ҳали жуда кўп.

7. Жомбой туманида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида бир қатор ижобий натижаларга эришилган бўлсада, лекин соҳада ҳали хал қилиниши лозим бўлган бир қатор муаммолар мавжуд. Бу муаммоларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Туманнинг қишлоқ жойларига ушбу соҳани олиб кириш ишлари етарли даражада ташкил этилмаганлиги;

- замонавий хизматлар талаб даражада ривожланмаганлиги; хизмат кўрсатиш соҳасида айланма маблағларнинг етишмаслиги; хизмат кўрсатиш соҳаларига инвестициялар киритилишининг камлиги;

- хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг тармоқларини вилоят ва туман ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатининг уз вақтида изчил амалга тадбиқ этмаслиги;

- хизмат кўрсатиш соҳасида малакали кадрларнинг етишмаслиги.

8. Юқоридаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда, бизнинг фикримизча, қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- туман аҳолисининг ушбу соҳага бўлган эҳтиёжининг ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда янги хизматлар тури ва шаклини янада кенгайтириш;

- қишлоқ жойларида маиший хизмат, сервис, телекоммуникация, ахборот-маслаҳат ва компьютер хизматлари каби соҳаларни ривожлантиришга янада эътибор қаратиш;

- коллежларда махсус хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи янги йўналишларни очиш ва касбга ўргатиш билан боғлиқ мутахассислар тайёрлашда ўқитиш муддатини қисқартириш;

- аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва турини кўпайтириш;

- янги истиқболли хизмат турларини жадал ривожлантириш;

- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг ривожлантирилиши устидан мониторингни амалга ошириб бориш;

- туманда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида тижорат банклари кредит ресурсларидан кенг ва самарали фойдаланиш;

- тадбиркорлик субъектлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш;

- бозор инфратузилмаларини (бизнес-инкубаторлар, ўқув марказлари, консалтинг хизмат кўрсатувчи марказлар) ишини фаоллаштириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

- туманда тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларига бағишланган амалий семинарлар ташкил этиш ва бошқалар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: "Ўзбекистон", 2014.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. - Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси", 2010.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрирда). -Т.: 1998.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунига шарҳлар, -Т.: "Шарк", 2000. -375 б.
- 1.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 399-сонли «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш тизимида ислохотларни давом эттириш тўғрисида"ги 1997 йил 17 сентябрдаги Фармони.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги "Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш ҳақида"ги ПК-325-сонли Қарори.
- 1.8. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси Тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони.
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги ПК - 2458 сонли қарори "Lex.uz".

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги "2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва таркибий узгартиришни таъминлашнинг дастурий чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-4707-сонли фармони *"Lex.uz"*.

1.11. «2016 йил 26 феврал куни қабул қилинган 55-сонли «2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори.

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016-йил 5-октябрдаги ПФ-4848-сонли «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони.

1.13. Ш.М.Мирзиёев "Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак". "Халқ сўзи". 15 январ 2017 йил.

1.14. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2013 йилдаги «Самарқанд вилоятида 2014-2016 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида амалга ошириладиган лойиҳалар ҳисобига белгиланган мақсадли прагноз параметрлари тўғрисида» Қарори.

2. Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А. Каримов асарлари

2.1. И.А.Каримовнинг "Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т.: "Иқтисодиёт", 2009, 2030- бетлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фармойиш ва қарорлари

3.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятини барқарорлаштириш чора тadbирлари тўғрисида"ги 1995 йил 12 октябрдаги 399-сонли Қарори. WWW.LEX.UZ.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Ваирлар Маҳкамасининг 1997 йил 19 сентябрдаги 446-сонли "Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори. WWW.LEX.UZ.

4. Монография, укув кулланма ва дарсликлар

4.1. Абдурахмонов.КХ. "Меҳнат иқтисодиёти" (назария ва амалиёт), дарслик, Т.: "Меҳнат", 2009. -Б. 512.

4.2. Абдурахмонов КХ. "Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси", дарслик Т: "Укитувчи". 2001. -Б. 479.

4.3. Абдурахмонов КХ., Имомов В.А. "Ўзбекистонда меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш".- Т.: "Академия", 2008. -Б. 21.

4.4. Алимов Р.О., Расулев А.Ф., Кодиров А.М. ва бошқалар. "Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт". -Т.: "Konsauditinform-Nashr", 2006. -Б. 438.

4.5. Абдурахмонов КХ. ва бошқалар. "Персонални бошқариш" (дарслик). -Т.: "Укитувчи", 2008. -Б. 655.

4.6. Басовский Л.Йе. Маркетинг. Учебное пособие. – М.: Издательский дом «Вилямс», 2010.-424 стр.

4.7. Голубков Йе.П. Основы маркетинга. Учебник. – М.: Издательство «Финпресс», 1999. – 656 с.

4.8. Ибрагимов Р.Г. Маркетинг. Дарслик, Т.: «Шарқ», 2002

4.9. Котлер Ф. Основы маркетинга. Учебное пособие. – М.: Издательский дом «Вилямс», 2010. -656 стр.

4.10. Котлер Ф. Маркетинг-менежмент, СПб: Питер. Ком. 1998

4.11. Лукина А.В. Маркетинг: Учебное пособие. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2006. – 224 с.

4.12. Морозов М.Ю. Основы маркетинга: Учебное пособие. – 5-е изд., испр. и доп. – М.: Изд. «Дашков и Ко», 2006, - 148 с.

4.13. Панкрухин А.П. Маркетинг. Учебник. – М.: Омега-Л, 2009. -656 стр.

4.14. Салимов С.А. Маркетингни бошқариш. Т.: Алоқачи, 2010 й.

4.15. Сафаров Б. Маркетинг коммуникациялари. Т.: ТДИУ, 2014 й.

4.16. Солиев А.С. Маркетинг. Бозоршунослик. Т.: Иқтисод-Молия, 2010 й.

4.17. Солиев А., Бузрукхонов С. Маркетинг. Бозоршунослик. Дарслик. – Т.: Иқтисод-Молия, 2010. -424 б.

4.18. Зябков Д.В. "Теоретические аспекты эффективной занятости населения". // Электронный журнал "Исследовано в России" 2009 [http: //jurnol.apelarn.ru/articles-2009](http://jurnol.apelarn.ru/articles-2009). -192 р.

4.19. Назаров А.Ш. "Меҳнатни ташкил этиш ва нормалаш". (Дарслик) - Т.: ТДИУ, 2004 - Б. 9-10.

4.20. Н.Р.Нарзикулов, О.Х.,Мухаммедова, И.А.Бокиева. "Инсон ресурслари иқтисодиёти" (укув кулланма). -Т.: 2004. -Б. 192.

4.21. Пардаев М.К., Абдукаримов Б.А. "Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси" (маърузалар матни). Самарқанд, 2002. -Б. 196.

4.22. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-жилд.-Т.: "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси", 2000, 615-бет.

4.23. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 3-жилд. -Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2002, 493-бет.

5. Интернет сайтлари

5.1.<http://www.prezident.uz>

5.2.<http://www.info.uz>

5.3.<http://www.stat.uz>

5.4.<http://www.economics.com>

4.18. [1] Foster H. and K. Krizan The Link Between Aggregate and Microproductivity growth: Evidence from Retail Trade. NBER Working Paper # 9120, Wash. 2002.

4.19. [2] Согласно классификации Мирового банка, к странам со средним уровнем благосостояния относятся страны с уровнем душевого дохода от 800 до 10 тыс. долл. (*Примеч. автора.*)

4.20. [3] Domestic Services. The Hidden Key to Growth. McKinsey Global Institute, 2005.

4.21. [4] OECD, Enhancing the Performance of Service Sectors, Paris 2005.

4.22. [5] Wohlf A. “Productivity growth in service industries – an assessment of recent patterns and the role of measurement”, STI Working paper 2003/7, OECD Paris; Wohlf A. “The Service Economy in OECD Countries”, STI Working Paper 2005/3, OECD, Paris.

4.23. [6] Wohlf A. “Productivity growth in service industries – an assessment of recent patterns and the role of measurement”, STI Working paper 2003/7, OECD Paris;

4.24. [7] D. Pilat and A. Wohlf Measuring The Interaction Between Manufacturing and services. STI Working Paper 2005/5, OECD Paris.

4.25. [8] В. Кондратьев. Интеграция нематериальных и вещных элементов современного производства / Услуги в современной экономике. Под ред. Л. Демидовой и В. Кондратьева. М., ИМЭМО. 2010.

4.26. [9] Domestic Services. The Hidden Key to Growth. McKinsey Global Institute, 2005.

4.27. [10] P. Dee The Economy-Wide Effects of Services Trade Barriers in Selected developing Countries. In: Enhancing the performance of the Service Sector. OECD, Paris 2005.

4.28. [11] “New Horizons: Multinational Company Investment in Developing Economies”/ MGI Report, 2003

4.29. [12] См., например, Davis J. and Haltiwanger J. Gross Job Flows. Handbook of Labor Economics, Vol. 3, 1991, pp. 2711-2805.

4.30. [13] Foster H. and K. Krizan Aggregate Productivity Growth: Lessons from Microeconomic Evidence. NBER Working Paper # 6804, 1998

4.31. [14] “Capitalism with Japanese Characteristics. The economist, 6th October, 2005.

4.32. [15] Why Europe lags behind the United States in productivity. McKinsey Quarterly, October 2010.

4.33. [16] Rosstat, Economist Intelligent Unit, McKinsey analysis.

4.34. [17] Central banks, Economic Intelligence Unit, McKinsey Global Institute.

4.35. [18] В России зарегистрировано 1147 банков, в США – 8680, в Испании – 350, в Швеции – 84, в Польше – 63, в Голландии – 20.

4.36.

4.37. **Список использованных источников**

4.38. 1 Котлер Филипп. Основы маркетинга. Краткий курс.: Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2005. – 656 с.: ил. – Парал. тит. англ.

4.39. 2 Лыгина Н.И., Ляпина И.Р. Маркетинг товаров и услуг: Учебник. – М.: ФОРУМ: ИНФРА-М, 2005. – 240 с.: ил. – (Профессиональное образование)

- 4.40. 3 Попов Е.В. Продвижение товаров и услуг: Учеб. пособие. – М.: Финансы и статистика, 1999. – 320 с.: ил.
- 4.41. 4 Маркетинг в России и за рубежом №4 / 2003
- 4.42. 5 Голубков Е.П. Основы маркетинга: Учебник. – М.: Изд-во «Финпресс», 1999. – 656 с.
- 4.43. 6 Гембл П., Стоун М., Вудкок Н. Маркетинг взаимоотношений с потребителями. – М.: ФАИР-ПРЕСС, 2002. – 512 с.
- 4.44. 7 Котлер Ф. Маркетинг в третьем тысячелетии: Как создать, завоевать и удержать рынок. – М.: ООО «Издательство АСТ», 2000. – 272 с.
- 4.45. 8 Котлер Ф. Маркетинг от А до Я. – СПб: Издательский Дом «Нева», 2003. – 224 с.
- 4.46. 9 Никишкин В.В. Торговый маркетинг: Учеб. пособие. – М.: Изд-во Росс. экон. акад., 2002. – 174 с.
- 4.47. 10 Панкрухин А.П. Маркетинг: Учебник. – М.: ИКФ «Омега-Л», 2002. – 656 с.
- 4.48. 11 Фатхутдинов Р.А. Стратегический маркетинг. 2-е изд., перераб. и доп. – СПб: Питер, 2002. – 448 с.
- 4.49. 12 Траут Дж., Рифкин С. Дифференцируйся или умирай! Выживание в эпоху убийственной конкуренции. – СПб: Питер, 2002.
- 4.50. 13 <http://market-pages.ru/marusl/3.html>
- 4.51. 14 <http://www.cfin.ru/press/marketing/1998-2/10.shtml>
- 4.52. 15 <http://www.s-marketing.ru/node/74><http://m-arket.narod.ru/slovary.html#7p>
- 4.53. маркетинг бизнес концепция
- 4.54.
- 4.55.
- 4.56.